



# MILLIY TIKLANISH

42 (50) 2009 йил 28 октябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz  
e-mail: milliyt@sarkor.uz



**Тил — миллат кўзгуси**  
Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 20 йил тўлиши муносабати билан ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши туман Маънавият-тарғибот маркази, "Камолот" ЕИҲ туман кенгаши ва халқ таълими туман бўлими билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида "Ўзбек тилимиз — дил қалитимиз" мавзусида катта байрам тадбири ўтказди.

→ 3-бет



**Жаҳон қурол-аслаҳа бозори: Қуролланиш пойгасидан ким манфаатдор?**

Йиллик савдо ҳажми тобора ошиб бораётгани халқаро ҳамжамиятнинг амалий чоралар қўришга ундамоқда

→ 7-бет



**Сеҳрли санъат**

Ҳаётимизни гўзал куй-қўшиқ, қалбларга ўт ёқувчи рақсларсиз тасаввур этолмаймиз. Негаки, санъатга бўлган муҳаббат ҳар биримизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Санъатнинг турлари хилма-хил. Ҳар бири ўз кўрки, жозибасига эга. Улар орасида рақс санъатининг ўрни бўлакча.

→ 8-бет

## МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ	2-бет
Маданий мерос муҳофазасининг ҳуқуқий ечими	
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА	3-бет
Манфаатлар муштараклиги	
Яхши дам меҳнатга ҳамдам	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
Жамоатчилик назорати	
Муҳим қўлланма	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Битмас-туганмас хазина	
ЖАРАЁН	6-бет
Қонун ижодкорлиги — юксак ҳуқуқий тафаккур маҳсули	
Мижоз манфаати устувор	
Янгиер черепицаси	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Дунёдан дараклар	
Сайёрамиздаги энг қадимги шаҳар	
КЎЗГУ	8-бет
"Юлдузлар қарвони"	
Эл суйган санъаткорлар	
Турфа олам	



Истиқлолнинг янги авлоди

### ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Бюджет — 2010

фракция йиғилишида муҳокама қилинди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди.

Фракция аъзолари томонидан дастлаб 2010 йилги "Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида" ги масала муҳокама қилинди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган мазкур лойиҳада 2010

йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоизга, саноат маҳсулоти 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,3 фоиз, инвестициялар 22 фоиз ва экспорт ҳажмининг 6 фоизга ўсиши белгиланмоқда.

2010 йил учун мўлжалланган бюджет ва солиқ сиёсатида ҳам иқтисодий ривожлантириш ва модернизация қилишни рағбатлантириш, хўжалик юртувчи субъектлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини изчил пасайтириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш асосида макроиқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар назарда тутилмоқда. деди мазкур масала юзасидан маъруза қилган Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев.

(Давоми 3-бетда)

### ЖАРАЁН

## Жамоатчилик назорати

уни ташкил этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни

Ж.ЧОРШАНБИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланганидек, давлатимиз ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширмоқда. "Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз,- деган эди Президентимиз Ислам Каримов ўзининг "Ўзбекистон — буюк келажак сари" номли асарига. - Адолат ва ҳақиқатга интилиш халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат гоёси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиши ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйинги, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари шу заминга таяниши зарур".

Республикаимиз парламенти истиқлол йилларида дунё давлатларининг ижобий қонунчилик тажрибасини ўрганиб, миллий менталитетимизга хос 450 дан ортиқ қонун қабул қилди. Уларнинг асосий қисми инсон ҳуқуқларига оид бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда ижобий натижа бермоқда.

Адолатли жамият қуриш фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлишини, айниқса, давлат органлари раҳбар ходимларининг ўз масъулиятини чуқур англашини, жамоатчиликнинг доимий назоратида бўлишини тақозо этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ибораси билан айтганда, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада бўлишини белгилловчи мезонлар бўлиб, "бу — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёндаридан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилинишини, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши"дир.

(Давоми 4-бетда)


### МУЛОҚОТ

## Маданий меърос муҳофазасининг ҳуқуқий ечими

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурида олға сурилган мақсадлардан бири миллий маънавий ва маданий меросимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, улкан, ранг-баранг, ухшиши йўқ бу ўзига хос хазинанинг қиммати ва аҳамиятини фуқароларимиз, айниқса ёшлар онгига синдириш орқали уларда миллий ўзлиқни англаш ҳамда ифтихор илдизларини мустақамлаб боришдан иборатдир. Партияимизнинг парламент кўйи палатасидаги фракцияси аъзолари ушбу дастурий мақсадни амалга оширишда қандай ҳисса қўшишмоқдалар, хусусан бу борада қонун ижодкорлиги соҳасидаги имкониятларни қўллай ололтиларми? Фракция аъзоси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Азамат Зиё билан суҳбатимиз шу ҳақда кечди.

Қўмитанинг ўтган йиллардаги қонун ижодкорлиги фаолиятида тайёрланган қонун лойиҳаларидан бештаси маданият соҳаси билан боғлиқлиги ҳамда бевосита депутатларнинг қонун ташаббускорлиги

ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилганлиги кўзга ташланади. Улардан тўрттаси кучга кирганлиги, биттаси иккинчи ўқишга тайёрланаётганлигини эътиборга олган ҳолда мазкур ҳужжатларни яратишга тўртки бўлган



омил қизиқиш уйғотмай қолмайди, албатта...

Ҳақиқатан ҳам ҳар қандай ишнинг боши муайян бир омил билан боғлиқ бўлади. Машҳур фалсафий усуллардан бири ҳам "сабабсиз оқибат бўлмаслиги"ни назарда тутиши бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда)

### НАШР

Истиқлол шарафати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли, ўрни, нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида изчил, босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар натижасида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими вужудга келди ва такомиллашмоқда.

А.С.ТУРСУНОВ,  
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси

Зеро, Конституцияда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий

## Муҳим қўлланма

"Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида" номли китоб нашр қилинди

асослари белгиланган бўлиб, унинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Натижада, 1994, 1999, 2004 йиллардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Бундан ташқари, кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва халқ депутатлари кенгашлари фаолиятига жорий этилди. Сиёсий партияларнинг парламент кўйи палатасидаги фракциялари орқали партиялар қонунларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатиб, шу тариқа давлат бошқарувида муносиб ҳисса қўлиши таъминланди.



(Давоми 4-бетда)



# ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## Бюджет — 2010

фракция йиғилишида муҳокама қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида Давлат бюджетни ҳаётда асосий эътибор ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

Бунинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, 2009 йилда мазкур харажатлар учун 56,5 фоиз маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилда 59,1 фоиз этиб белгиланмоқда. Натигада иш ҳақи, стипендия, нафақалар ва бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш,

аҳолини иш билан таъминлаш, умуман, ижтимоий муҳофазани кучайтириш имконияти янада кенгайди.

Шунингдек, депутатлар лойиҳада ижтимоий соҳа ва иқтисодиётга инвестицияларни кўпайтириш ҳисобига Давлат мақсадли дастурларини тўлиқ амалга оширишни таъминлаш белгиланганини алоҳида таъкидлади. Хулоса қилиб айтганда, бюджет лойиҳасида белгиланаётган вазифаларнинг асосий мақсади мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Фракция аъзолари бюджет лойиҳасини маълумлаш баробарида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, йиғилишда "Ар-

хив иши тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси биринчи ўқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, фракциялари ҳамда ялпи йиғилишида муҳокама қилинган эди. Ишчи гуруҳи томонидан тушган таклифлар ва билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрири фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва улар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Камолитдин ХОТМОВ,** "Milliy tiklanish" мухбири

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

## Манфаатлар муштарақлиги

жипислик ва уюшқоқликни тақозо этади, дейди халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати, вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бўлим бошлиғи Муродулла Ёрматов

Мамлакатда сиёсий жараён - Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига бўлиб ўтаётган сайловлар жараёни авж палласига кириб бораётган бир пайтда ўтган ва бўлажак сайловлар орасида сиёсий партиялар, шу жумладан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз олдига қўйган пировард натижаларга эришди, ўз электорати олдидagi вазифаларини ундади олдимиз, деган саволлар тугилиши табиий.

Бу саволга нафақат партиянинг умумий фаолиятига қараб, балки етакчиларимиз, фаолларимиз, турли даражадаги депу-

тларимиз, қолаверса ҳар бир аъзоларимиз ишидан келиб чиқиб жавоб беришимиз ўринли бўлади.

Мен депутат этиб сайланган сайлов округида 28000 нафарга яқин сайловчи мавжуд. Шу ҳудуддан халқ депутатлари туман кенгашига сайланган 8 нафар депутатнинг 3 нафари ЎЗМТДП аъзоси. Сайловдан сайловгача бўлган даврда мен сайланган ҳудудда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари анча ўсди, кишлоқ турмуш шароити сезиларли даражада юксалди. Бу даврда кишлоқ аҳолиси тўлиқ газлаштирилиб, тоза ичимлик суви билан таъминланди. Навбахор агросаноат иқтисодиёт

коллежи, Янгиқўрғон, Хашман, Дул-дул қишлоқларида қишлоқ врачлик пунктлари бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бир мактаб биноси тўлиқ қайтадан қурилди, иккита мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Кишлоқда туб иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда партияимиздан халқ депутатлари Навбахор туман кенгашига сайланган депутатлар Нурали Худойқулов, Жамшид Ҳамроев ва Эргаш Бердиевларнинг ҳиссаси катта.

Сайловлар тобора яқинлашмоқда, мазкур сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиш, вакиллик органларида кўнчилик ўринини эгаллаш бизнинг бош мақсадимиз. Шу билан биргаликда вилоятда партия нуфузини ошириш, тарафдорларимиз сонини кўпайтириш, ижтимоий қатламни мустаҳкамлаш ва энг муҳими яқинлашаётган сайловда партияимиздан кўрсатилган номзодларга овоз берадиган электоратини шакллантиришга жиддий эътибор беришимиз лозим.

**П.ЖУМАЕВ** ёзиб олди

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

## Ифтихор

Тўмарис АЪЗАМ, "Milliy tiklanish" мухбири

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний "Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир" дея бежизга эътироф этмаган. Чунки тил инсонга ато этилган улуг ва олий неъмат бўлиш билан бирга, миллатни вужудга келтирган, уни тараққиёт босқичига олиб чиққан муқаддас қадриятдир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлигига 20 йил тўлди. Ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Ёшлар қаноти" ва ЎЗМТДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига "Тил — миллатнинг руҳи" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли шоир ва ёзувчилар, университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этдилар. Тадбирни ЎЗМУ маънавият ишлари бўйича проректори Қ.Қуранбоев очди ва тадбирнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтди.

Албатта, ҳали мустақилликка эришмасимиздан, она тилимизнинг миллий давлат мақомига эга бўлишига эришиш чинакам жасорат эди. Катта қурашлар эвазига қўлга киритилган тилимизни маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик сифатида қадрлаш, татқиқ этиб боришни кучайтириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни бу каби хайрли ишларга жалб этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Тадбирда иштирокчилар масаланинг айнан мана шу жиҳатларига кенг эътибор қаратдилар.

— Тилга кўрсатилган ҳурмат инсоннинг ўзлигига бўлган эътиборини белгилайди. Чунки у миллатнинг маънавияти, маърифатлилик даражасини кўрсатиб беради, деди тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғафур Маматов. — Халқимиз тарихда бошидан кечирган огриқли кунларда тилимизнинг имконияти, ҳаракат доираси чекланган бўлишига қарамай, у йўқолиб кетмади. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши эса унинг қайтадан ривожланиши, тараққиёт этиши, ҳаётимизнинг барча жиҳатларига кириб боришига пухта замин ҳозирлади.

Тадбирда иштирокчилар бугунги кунда тилимизни чўқур татқиқ этиш, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш борасида учраётган муаммо-

лар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Халқ шоирлари Абдулла Орипов, Сирожиiddин Саййиднинг тилимиз шарафига битган гўзал шеърлари кечага ҳақиқий байрамон руҳини олиб кирган бўлса, университет талабалари томонидан тайёрланган бадиий ва мусиқий чиқишлар унга янада фойз бағишлади.

"Она тилим-фаҳрим, гурурим" мавзусида тадбир ЎЗМТДП Жондор туман кенгаши томонидан бир гуруҳ ёшлар даврасида ҳам ўтказилди. Унда партия вилоят ва туман кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" раҳбарлари, партия фаоллари иштирок этдилар. Тадбирни ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ф.Ҳамидов очди ва ўз сўзида тилимизнинг софлигини асраш, қадр-қимматини ошириш ҳар биримизнинг олдимиздаги муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

— Она тилига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ватанпарварлик, фидойиликнинг бир намунаси, деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси А.Фозилов. — Ёшларимиз қалбига турли йўналишдаги тадбирлар орқали бу тушунчаларни чўқур сингдириб бориш олдимиздаги катта вазифа. Мазкур тадбирда ҳам ёшлар билан мана шу масала юзасидан ўзаро фикрлар алмашдик.

Туман маданият уйи томонидан намойиш этилган концерт дастури, Ватан, муҳаббат ҳақидаги гўзал куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача фойз киритди. Шунингдек, тадбирда фаол ёшларга партия вилоят ва туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.


## Адабий кеча

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги 9-ўрта умумтаълим мактабида ўтказилган бадиий-мусиқий кеча ҳам тил байрамига бағишланди.

Тадбирни мактаб директори Муҳиба Сатторова кириш сўзи билан очди. Унда ЎЗМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов "Ўзбек тили — давлат тили", Саодат Сангинова "Адабиёт яшаса миллат яшайди", Шоира Бобомуродова "Ўзбек тили — ифтихоримиз", Назира Нарзуллаева "Адабиёт ҳаёт китоби" мавзуларида маъруза қилдилар.

Тадбирнинг иккинчи қисми бадиий-мусиқий кечага боғланиб кетди. Мактаб ўқувчиларининг саҳна кўринишларида ёшларнинг Ўзбек тилига бўлган ҳурмат-эҳтиромиди яққол намоён бўлди.

ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА



Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 20 йил тўлиши муносабати билан

ЎЗМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши туман Маънавият-тарғибот маркази, "Камолот" ЁИХ туман кенгаши ва халқ таълими туман бўлими билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида "Ўзбек тилимиз — дил қалбимиз" мавзусида катта байрам тадбири ўтказилди.

**Махбира Абдалова,** "Milliy tiklanish" мухбири

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равно Зарипова, тележурналист Нозима Воҳидова, ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Халима Жуманиезова сўзга чиқиб, йиғилганларга она тилимизнинг қанчалик бой тарих ва шонли ўлмишга эга эканлигини ёрқин ва ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб бердилар.

— Шу ўринда улуг бобоқалонимиз билан боғлиқ шундай ривоятни эсламасдан иложимиз йўқ. Бир кун Навоий "Ҳамса", ва "Муҳокамат-ул-лугатайн" асарларини олиб, Тадбирда сўз олган таниқли шоир ва ёзувчилар юртимизда тилга берилган эътибор ҳақида гапириб, бу каби сай ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлодга миллий истиқлол воясига содақат, бой тарихимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини камол топтиришда беқис ўрин тутишини таъкидладилар.

Тадбирда тумандаги касб-хўнар коллежи талабалари ҳамда ўрта таълим мактабларининг турли миллатга мансуб ўқитувчи

## Тил — миллат кўзгуси

шоҳ ҳузурига кириб келади ундаги тил ҳақидаги шеърларни ўқийди. Айтадики: "Мен она тилимизни намойиш этишда ботқоқидан шеърят осмонига кўтардим, энди ўтган умримга ачинмайман. Туркий тилининг нақадар бой эканлигини назарий томондан "Муҳокамат-ул-лугатайн" асаримда исботлашга ҳаракат қилсам, амалий жиҳатдан "Ҳамса" асаримда бунга уриниб кўрдим. Бунга халқим муносиб баҳо берсин". Тилимиз ҳақида нафақат Навоий бобомиз, балки Бобур, Мунис, Увайсий, Фуқрат, Нодирабегим каби буюк намояндаларимиз ҳам ўз ихлодлари орқали унинг нақадар бойлиги ва гўзаллигини очиб беришган, деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Феруза Ҳайтова.

Тадбирда сўз олган таниқли шоир ва ёзувчилар юртимизда тилга берилган эътибор ҳақида гапириб, бу каби сай ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлодга миллий истиқлол воясига содақат, бой тарихимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳини камол топтиришда беқис ўрин тутишини таъкидладилар.

Тадбирда тумандаги касб-хўнар коллежи талабалари ҳамда ўрта таълим мактабларининг турли миллатга мансуб ўқитувчи

ва ўқувчилари ўзларининг кўрғазмали ва бадиий чиқишлари билан она тилимизнинг бетакрорлигини намойиш этишди. Унда энг фаол иштирок этган бир гуруҳ иштирокчилар ЎЗМТДП ҳамда "Камолот" ЁИХ туман кенгашларининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ЎЗМТДП Яққасарой туман кенгаши Яққасарой энгил саноат касб-хўнар коллежида "Тилга эътибор-елга эътибор" мавзусида ўтказган тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати раиси М.Қосимов, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" фаоллари ҳамда "Камолот" ЁИХ вакиллари иштирок эттишти.

Тадбирни коллежнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Лайлихон Абдумажидова очар экан, жумладан шундай деди: — Айни пайтда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 20 йиллиги юртимизнинг деярли барча таълим муассасаларида байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Бундан қўзланган мақсад ёшларнинг қалбига тилимиз ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини сингдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашдан иборатдир. Тилимизнинг бой тарихига эга экан-

лигига аждодларимизнинг бизга қолдирган буюк асарларида ҳам гўвоҳ бўламиз. Бугунгидай яхши шарт-шароитларда таълим олаётган ёш авлод ҳам келажакда тилимизни ривож учун ўз ҳиссасини қўшишига шубҳа йўқ. Бу каби тадбирларнинг коллежимизда тез-тез ташкил этилиши ўсиб келаётган ёш авлодни Ватанга содақат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, байрамда коллеж иқтидорли талабалари томонидан Навоий асарларига бастанган куй-қўшиқ ва саҳна кўринишлари ҳамда деворий газеталар кўрғазмаси ҳам намойиш этилди.

Тадбирда фаол қатнашган ёшларга партия томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда тилимизга эътибор кучайди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг мазмун-моҳиятини бугунги ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш бора-бора партия томонидан ҳам бир қатор ишлар олиб борилаётган. Жумладан, тил байрамини муносиб нишонлаш мақсадида турманимизнинг барча мактаб ва коллежларида тадбирлар ташкил этилди, дейди биз билан суҳбатда ЎЗМТДП Яққасарой туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шўхрат Жумақулов.

ТАДБИР

## Яхши дам меҳнатга ҳамдам

Партиянинг кенг оммага танилиши, унинг дастурий мақсад ва ҳаялларини таъсирчан тарзда тарғиб-таъшиқ қилишига амалий тадбир, аниқроғи, сўз ва иш биллигини таъминлаш орқали эришиш мумкинлигини бугун ҳаёт ҳар қадамда исботламоқда.

**М.ҚАРИМОВА,** ЎЗМТДП Косонсой туман кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари

— Ёшлар билан мунтазам иш олиб бориш, уларни партиянинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этишга жалб қилиш сингари вазифалар фаолиятимизда алоҳида ўрин тутди, дейди ЎЗМТДП Косонсой туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Қосимов. — Бу борада ижобий натижага қандай эришиш мумкин? Албатта таъсирчан ва ноанъанавий тадбирлар орқали. Айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган маданий тадбирларимиз йигит-қизларда катта қизиқш уйғотмоқда.



Дарҳақиқат, ЎЗМТДП туман кенгаши ва унинг фаол аъзолари ташаббуси билан туман МХХ, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида бўлиб ўтган учрашув барчада катта таассурот қолдирди. Унда ёшларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастури, унинг мақсади ва вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди. Илғор ёшларга партиянинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, ички ишлар ходимлари кунги муносабати билан партия туман кенгаши томонидан байрам тадбири ҳам ўтказилди. Унда туман ички ишлар бўлими ходимлари, меҳнат фахрийлари қатнашдилар. Тадбирни Косонсой туман ИИБ бошлиғи Й.Мирзааҳмедов очди ва олиб борди. Тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Қосимов, туман кенгаши депутатлари А.Мамадалиев, М.Муртазоев ички ишлар ходимлари ва фахрийларини табриқлаб, партиянинг байрам совғаларини топширдилар.

## ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЖАРАЁН

## Жамоатчилик назорати

уни ташкил этишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонун устуворлигига асосланган, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратининг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги қонунларига мувофиқ жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Фуқаролик жамиятида жамоатчилик назорати шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик, ижтимоий адолат, масъулият ва жавобгарлик принциплари қарор топиши учун хизмат қиладиган муҳим омилдир. Жамоатчилик назорати инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланишини, балки давлат органлари фаолиятида ҳам уларнинг устувор бўлишини таъминлайди.

Жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2 ва 14-моддаларида, кодексларида, шунингдек «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Нодавлат но-

турли қатламлари манфаатларини ифода этаётган тўртта – Ўзбекистон Либерал Демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси ўз фаолиятини янада такомиллаштириш устида меҳнат қилмоқдалар.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлишини, айниқса, давлат органлари раҳбар ходимларининг ўз масъулиятини чуқур англашини, жамоатчиликнинг доимий назоратида бўлишини ва оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда фаол иштирок этишини таъминлади.

Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан қонунчилик тарзида киритилган ва қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ва «Сайлов тўғрисида» қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Қонуни сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтирди.

Айниқса «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократ-

фаларида партияларнинг марказий, вилоят партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган жамоатчилик назорати соҳасида чоп этилаётган мақолалар сонининг кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси демократик ислохотларнинг бутун жараёнига, кўп партиявийлик тизимининг тадрижий ривожланишига, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустақамланишига улкан таъсир кўрсатмоқда.

Қонун қабул қилингандан кейинги қисқа давр ичида партиялар фаолияти янада жонланди, сиёсий майдонда соғлом рақобат пайдо бўлди, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга кенг жамоатчиликни жалб этиш, уларда ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини пайдо қилиш каби муҳим ишлар амалга оширилди. Фракция аъзолари томонидан электоратни шакллантириш, аҳоли ўртасида партиянинг обрў-эътиборини янада ошириш, партия Дастурида белгиланган гоа ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш, уларни кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида марказда ва вилоятларда депутатлик гуруҳларининг, шаҳар ва туманларда эса депутатларнинг фаолияти янада кучайтирилди.

Фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг иш режаларига асосан депутатлар томонидан жойларда жуда кўп маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган тадбирларда асосий эътибор мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий ривожланишига, миллий ўзлиги ва миллий гуруҳини шакллантириш ва мустақамлашга, глобаллашув жараёнида ахборот хуружи ва унинг салбий оқибатларининг олдини олишга, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилмоқда.

Бугун сиёсий партиялар ўзининг энг муҳим палласига кириб бормоқда. Кўпчиликка маълумки, жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловлар бўлиб ўтди. Сиёсий партиянинг асосий вазифаси бу сайловларда фаол иштирок этишдан иборат. Демократик жамият шариатида кўппартиявийликнинг қарор топиши сиёсий партияларнинг сайловларда қонун чиқарувчи ва маҳаллий вакиллик органларига ўз номзодларини ўтказиш учун ўзаро кураш олиб боришни тақозо этади. Ҳа ҳақиқатан ҳам бугун сиёсий партиялар зиммасига катта бир масъулият юкланди. У ҳам бўлса, халқимизнинг буюк тарихи ва аъённаларига таянган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқаролар турмуш даражасини тараққий топган халқлар, давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига амалий ҳисса қўшадиган, ваколатли ва қонун чиқарувчи олий органнинг самарали ишлашини таъминловчи улкан интеллектуал ва профессионал салоҳиятга эга депутатлар корпусини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида: «Сиёсий партия – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимиятини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилуви ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмаси» деб унинг мақоми белгиланган.

Мазкур модда сиёсий партиялардан сайланажак депутатларнинг олдида қонунлар ижроси устидан назоратни олиб бориш ваколати билан бирга жамият ҳаётида улкан ижтимоий-сиёсий ишларни амалга оширишни вазифа қилиб қўйди.



ЎзМТДП фракцияси аъзоси жамоатчилик вакиллари билан мулоқотда

НАШР

## Муҳим қўлланма

«Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида» номли китоб нашр қилинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилган ислохотларнинг ҳуқуқий негизини ташкил қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида «Референдум акунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги (2002 йил), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги (2002 йил), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги (2002 йил), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007 йил), «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида»ги (2004 йил), «Нодавлат ноҳижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги (2007 йил), «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида» (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмининг 1-бандига) (2007 йил), «Сайлов тўғрисида» қонун ҳужжатларининг тақдимоти билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (2008 йил) қонунлар қабул қилинди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Зеро, мазкур қонунларнинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши, биринчидан, кенг қўламли ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазирларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга олиб келади; иккинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шариоатлар таъминланади; учинчидан, ҳуқуқат тузилмаларининг, марказдаги ва

жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мақсадли парламентда ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органлари ҳуқуқий партиялар олдидеги ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмлар яратилади; тўртинчидан, парламент қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида юзага келган ўзига хос конструктив рақобат муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш ва янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисида» қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бугунги кунда сиёсий партиялар эришган юқори даражадаги ижтимоий-сиёсий етуқлик, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислохотларни амалга оширишдаги ролини янада кучайтиришга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар вакилликни кучайтиришда, бир сўз билан айтганда сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Албатта, ушбу қонунларда белгиланган қоида-талабларнинг амалга оширилиши ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг мантйқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этishi шубҳасиздир.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий партияларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, институционал ҳамда мақолатли кадрлар тизими ташкил топди ва изчил ривожланмоқда. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқроқ андозаларга жавоб берадиган фуқаролик асослар сиёсий партияларнинг кенг қўламли ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустақам қонунчилик базаси яратилди, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятларни очиб берди.

Мамлакатимизда фаолият

юритаётган тўртта сиёсий партия, яъни, «Адолат» социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг ҳар бири ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, фаоллари ва тарафдорларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эгадирлар.

Шу билан бир қаторда, мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, улар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш бўлиб хисобланади. Ушбу заруриятнинг инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини томонидан «Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида» номли китоб амалий қўлланма шаклида ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб чоп этилди.

Ушбу қўлланма тузилиши жиҳатидан кириш ва 5 бўлимдан (рус тилидаги матн 6 бўлимдан) иборат.

Амалий қўлланманинг биринчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов асарларидаги сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, ўзбекистон Республикасининг сиёсий партияларнинг тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари тизими» деб номланиб, унда сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари тизими ҳақида таъкидлаш билан бир қаторда, улар сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда қатор қўлайликлар яратди.

Бундан ташқари, қўлланманинг рус тилидаги матнида юқорида таъкидлаб ўтилган бўлими билан бир қаторда, ушбу соҳадаги халқроқ ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларининг қиёсий таҳлили ҳамда ҳорижий давлатларда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш таърихи билан бир қаторда, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид маълумотлар (партия номи, ташкил топган санаси, уставининг қабул қилинган санаси, партия аъзоларининг сони, фаолиятининг асосий мақсади, бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар сони, матбуот органлари, веб-сайти ҳамда электрон манзили қабул қилинган) ўз аксини топган.

III бўлим «Мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари» деб номланиб, унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаёт-

ган сиёсий партиялар раҳбарларининг партия фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ва миллий сайлов қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилаётган йўналишлар (шу жумладан, конституциявий қонуннинг партия ҳаётидаги зарурияти ва аҳамияти; конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан амалга оширилган тадбирлар; партия фракцияларининг парламентдаги фаолияти; партия гуруҳларининг халқ депутатлари кенгашларидаги фаолияти; конституциявий қонунни амалда қўллаш билан боғлиқ партия олдидаги вазифалар ва фикр-мулоҳазалар; сайлов қонунчилигида белгиланган қоида-талаблар асосида партиянинг сайловга тайёр-гарлик қуриш билан боғлиқ фаолияти қабиляр) акс этган тахлили мақолалар ўз ифодасини топган. Ушбу тахлили мақолалар эса мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолияти ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлишга ёрдам беради.

Амалий қўлланманинг IV бўлими «Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари, ўзбекистон Республикасининг сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокига оид қонун ҳужжатларидан кўчирмалар, V бўлимда эса сиёсий партиялар фаолиятига оид атамаларнинг изоҳли луғати ўз аксини топган бўлиб, улар сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда қатор қўлайликлар яратди.

Бундан ташқари, қўлланманинг рус тилидаги матнида юқорида таъкидлаб ўтилган бўлими билан бир қаторда, ушбу соҳадаги халқроқ ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларининг қиёсий таҳлили ҳамда ҳорижий давлатларда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш таърихи билан бир қаторда, мамлакатимизда сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид маълумотлар (партия номи, ташкил топган санаси, уставининг қабул қилинган санаси, партия аъзоларининг сони, фаолиятининг асосий мақсади, бошқарув органлари ва уларнинг вазифалари, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган депутатлар сони, матбуот органлари, веб-сайти ҳамда электрон манзили қабул қилинган) ўз аксини топган.

III бўлим «Мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари» деб номланиб, унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаёт-

### МУАММО, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

Кейинги пайтда пойтахтимизда «Иммунитетни оширамиз, семиршиш, озиш...» ва бошқа мазмундаги эълонлар тобора кўпаймоқда. Ҳўш, бундай даволашлар инсон соғлиги учун қанчалик фойдали ёки зарар? Бу борада мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари қандай? Мавзу шу ҳақда.

Кимдир хасталигидан шикоят қилса, ўз маслаҳатимизни беришга ҳаракат қиламиз. Лекин аҳоли гавжум жойларда, симёғочдан тортиб бекат ойнасигача ёпиштирилган қоғозлардаги «Безар озирамиз», «Чиройли семиртирамиз», «Шифобахш гиёҳлар: семиршиш, озиш, бўй ўстириш...» ва ҳоказоларни ўқиб, «Тавба, табибликни даво қилаётганлар беморлардан ҳам кўп эканди», деган фикр ўтади, кўнглимиздан. Айниқса, булар мутахассислигини тасдиқловчи бирор ҳужжатга эгамикин, хориждан келтирилган турли дори воситалари, сир-синоати, зарари ва фойдаси номалум гиёҳларни кўр-кўрона тавсия этишмаптимикан, хизматларига қафолат бера олишадими, деган саволлар туғилиши табиий...

#### ҲҲРОЗҚАНД ЧЕТ ЭЛНИКИ

Яқинда озгинлигидан шикоят қилиб юрган тенгшодим билан чора истаб ана шундай эълонлардаги бир неча рақамларга кўнгирик қилдик. Қарангки, уларнинг аксарияти банд экан. Наҳотки, бу каби табибликнинг мижозлари шунчалик кўп бўлса? Ниҳоят биттаси билан боғландик. Табиб даставвал шикоятимиз билан қизиқди. Айни дамдаёқ баъзи тахисларини кўйганлиги ҳам «профессионаллик» белгиси бўлса керак.

Ички аъзоларда баъзи муаммолар бўлиши мумкин, қачон келасиз? - деди ўзини Эъзога Самиева (айрим сабабларга кўра, уларнинг исм-фамилияси ўзгартирилди) деб таништираган аёл.

Хуллас, эртаси куни кўп қаватли бинонинг тўртинчи қаватида жойлашган «Тиббиёт офисида» икки нафар аёл бизни кутиб олди. Даставвал, тахис кўйиш ва имкониятларимизни чамалаб олиш кераклигини айтишди. Табиблардан бири вазинимизни «япон тарозиси»да ўлчаган:

- Бунақаси ноб, топилса ҳам жуда қиммат, - дея кўшимча қилди.

Бу сўзлар менга улугъ ёзувчимиз Саид Аҳмад кашф этган қаҳрамонлардан бирининг «Ҳўрозқанд чет элники деса, одамлар ётиб олиб ялашади», деган машҳур иборасини эслатди. Тараққиёт мўъжизасидан ҳайратланиб турганимизда, бу «сеҳрли» тарози жисмиимиздаги моддалар миқдорини ҳам кўрсатишини эшитиб лол қолдим. Қисқаси, нобдмга муҳтож

эканмиз...

- Ҳўш, барча хизматлар қанча бўлади? - дедим дианоздан сўнг бироз ўйланиб. - Дориларимиз четдан келтирилган, - деди табиб ичимдагини билгандек, - истасанглар кўрсатишим мумкин. Мана бу (бизга номалум журналдаги суратлар кўрсатилди, муаллиф.) мультивитаминли дори. Кейин, оқсилга бой дори берамиз, тренировка қилайдиганлар «протан» деб

# МАЪНАВИЯТ

Шу боис сал арзон. Овқатланиш миқдорини камайтириш асосида оздирамиз.

- Овқатланишни камайтириш осон бўлмаса керак. Кимдир кўпроқ овқатланишни хоҳлайди...

- Буни йўли осон. Унинг иштаҳасини шундай бўйиб қўяманки, очқанганини ҳам сезмай қолди.

- Бу соғлиққа салбий таъсир қилмайми?

- Йўқ, овқатлар ўрнига махсус дорилар берамиз.

- Яна битта савол, хизматларингиз рўйхатдан ўтганми? Ишончлими?

- Утган. Мен ҳар йили Америкага бориб, устозим билан



«ПАЗАРИТ»ЛАРАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ! Гули Шайхова, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Тошкент тиббиёт академияси Болалар ва катталар овқатланиш гигиена-профессори. Аввало мазкур масалага

нинг кундалик машғулотини ҳам тушунамиз. Масалан, боламизнинг ҳаракати кам бўлиши мумкин, бунда энг мақбул ечим бирор спорт тури билан шугулланишдир. Агар болаларнинг кундалик истеъмол қилаётган озиқ-овқат махсулотларини тўғри тақсимласак, ёғли ва ширинликлар мейёрида истеъмол қилинса, муаммолар бўлмайди.

45 ёшдан кейин ҳам аёл ва эркекларда семиршиш ҳолатлари кузатилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу ҳолат камҳаракатлилик, кўплаб касб эгаларининг жисмоний меҳнат билан шугулланмаслиги оқибатида юзага келади. Албатта, семиршиш инсон фаолияти ва соғлиғига таъсир этмасдан қолмайди.

## Тиббий маданият: саломатлигимиз ўз қўлимизда

### семиршиш, бўй ўстириш, озиш: кафолати борми?



аташади. Махсус энергия берувчи чой, уни ичганингиздан сўнг кун бўйи чармайисиз. Ҳозирча шулар етарли. Барчаси Америкадан келтирилган. Шу боис қиммат, хизматлар ҳақи билан 250 АҚШ ДОЛЛАРИ(!) бўлади. Кунига уч маҳалдан қабул қиласиз. Банд бўлсангиз икки марталик ҳам қилиб беришим мумкин...

Диққатимизни дорилар қўтисидидаги «Herbolife» номили машҳур фирма тамғаси кўйилгани тортди.

- Кечирасиз, ортиқча вазнини йўқотишда ҳам шу услубдан фойдаланасизми?

- Семизлиқни йўқотиш семиртиришдан кўра осонроқ

қўришиб келаман. Мана бу устозим (У журналдаги чамаси ўттиз ёшлардаги кишини кўрсатди). Уни неча ёшда деб ўйлайсиз? Эллиқни қаршилаган, тиббиёт мўъжизасини қарангки, ўзини парварিশлаши натижасида анча ёш кўринишга эришган.

Табиб сумкасида яна битта сурат, аниқроғи журнал варағини чиқарди. Аллақандай футбол клуби ўйинчилари орасидан таниш киёфага урғу берди.

- Буменинг футболчиларим.

Мана буни танишисми? Девид Бэжмел! Клуб...

- Лос Анжелес Гелекси, - дея сурат остидаги ёзувни овоз чиқариб ўқидим.

- Тўппа-тўғри, устозим ана шу клуб футболчиларининг фигураси, қад-қомати ва соғлигини назорат қилади.

Бу ёғига ишониб ёки ишонмаслиқни ҳам билмай қолдим. Аммо спорт шарҳловчиси бўлганимда шов-шувли мақола эълон қилишим табиий эди. Афсуски, табиблиримиз билан суҳбатимиз шу ерда ўз якунини топди. Мана бу лицензия, деб кўрсатишга ҳам улгуришмади, шекилли. Янги мижоз, аниқроғи семизроқ киши келиб қолди.

кенгроқ ёндошасан. Организмида кечаётган ҳар бир жараён бевосита бизнинг овқатланишимиз, машғулотларимиз, ташиқ муҳит, умуман кундалик турмуш тарзимиз билан узвий боғлиқ. Факультетимизнинг «Овқатланиш гигиенаси» кафедраси талабаларимизга овқатланишдаги гигиеник талаблар, тўғри овқатланиш, мақбул овқатланиш ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифи билан айтганда, соғлом овқатланиш принципларини ўргатади. Ҳўш, тўғри овқатланиш деганда нима тушунишимиз керак? Кундалик истеъмол қилинаётган асосий озиқ моддалари, гўшт, сут махсулотлари, сабзавотлар, меваларда организм учун зарур бўлган асосий элементлар жамланган. Булар оқсил, ёғ, углевод, минерал моддалари, витаминлардир. Мазкур бешта асосий моддаларсиз болаларимиз жисмоний ва ақлий жиҳатдан яхши ривожланолмайди.

Уши жараёнда болаларда 11-12 ёшдан кейин иккиламчи жинсий белгилар намойён бўла бошлайди. Шу давр мобайнида кўпроқ семиршиш ҳолатлари кузатилади. Буни жаҳон олимлари томонидан олиб борилган сўнгги илмий тадқиқотлар ҳам исботлаган. Ушбу ҳолатда болага ота-она-сидан 20 фоиз ген ўтиши аниқланган. Иккинчи омилга боланинг яшаш шароити ва қундалик истеъмол қилаётган озиқ моддаларнинг таъсирини кириштириш мумкин. Яшаш шароити ҳақида сўз кетганда, бола-

Бу муаммога дуч келган шахс иложи борича озишга интилиши табиий. Ким ҳам хушбичим бўлишни хоҳламайди, дейсиз. Ўз навабатида мазали овқатлардан ҳам воз кечиш осон эмас.

Ўспирин қизларимиз кўпроқ психологик жиҳатдан ҳам турли воситалар билан доловчиларнинг харидори бўлишади. Яъни, чиройли кўриниш учун ортиқча вазндан қутулишни истаб қолишадди. Аслида бунга кунлар, ойлар керак бўлади. Эшитишимча, баъзи табиблар қўллаётган хориждан келтирилган айрим дори воситалари таркибиде кўз илгамас, митти куртчалар бор экан. Улар қон томирлар деворларига ёпишиб олади. Яхши биламизки, жигар организмдан захарли моддаларни тозалаб, чиқариб юборади. Паразитлар эса ана шу аъзоимизни бутунлай эгаллайди. Бундан ташқари, барча овқат ҳазм қилиш ва кераклик моддаларни организмизга тақсимлайдиган аъзоларимизда яшаб, озиқланиб, ўзидан захарли моддалар чиқаради. Буни соғлом киши танаси ҳам қийинчилик билан кўтариши аниқ.

Эшитишимча, шу дорига мижоз бўлган бир қизчанинг ошқозониде гастрити, яраси бўлиб, кўртларнинг фаолияти натижасида юза қатлами очилади. Натижада кирк кун мобайнида қиз нобуд бўлади. Қизнинг ота-онаси эса «Кизи мана шу дорини ичгандан кейин аҳволи оғирлашди», - дея таъкидлашган...

#### Шаҳноза Раҳимова, Тошкент шаҳри Қўйлиқ даҳаси:

- Ҳозир кўча-кўйларда кўпайиб кетаётган турли семиршиш, оздириш ҳақидаги рекламаларни кўрсан, бундан бир неча йил аввал содир бўлган воқеа ёдига тушади. Қўшим Ҳолнса семирб кетганидан кўп қийнади. Ёши катта бўлгани учунми юриш-туриш, овқатланишда айрим муаммоларга дуч келаверди. Кўрсатмадан шифокори қолмади. Кейин Тошкент вилоятидаги бир табиб ҳақида эшитиб қолди-ю, ҳаловати йўқолди. Эмишки, бу табиб беморларни барча қийинчиликлардан фориғ этиб, ҳатто семиршиш-у, озб кетишда ҳам беморларга кўмак бера оларкан. Бунинг учун ҳеч қандай дори-дармон, уқолини ҳолати йўқ экан, ҳаммаси табиий йўл билан ҳал этиларкан. Хуллас, Ҳолнса ҳам «тажрибали табиб» қўлида даволана бошлади. Қарангки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қўшим қайтиб келди. Келдию, «Бундай жойларни елқанинг чуқури кўрсин», деди. Маълум бўлишча, табиб Ҳолнисани оздириш мақсадиде унга бир идишда «малҳам» тайёрлаган. Шу вақтда табиб бир иш билан андармон бўлиб «малҳам»ни беморга ўз вақтида бера олмайдди. Ҳолнса идишсе яқинроқ бориб қарасанки, унда тирик, митти чувагчалар сузиб юрган экан. Яъни, тирик чувагчалар инсон организмга кириб, ундаги бор қуч-қувват, керак бўлса, ҳазм қилинган моддаларни сўриб оларкан. Бемор эса кун сайин озиб, кейинчалик турли касалликларга дучор бўлиши осонлашиб қоларкан.

#### ЖАҲЛИ ЧИҚСА, ОВҚАТ ЕЙДИ

#### Максуд Ҳамроев, шифокор:

Семизлиқни хасталиқлар қаторига қўшардим. Зеро, ортиқча вазн билан боғлиқ жуда кўп касалликлар бор. Масалан, қон босими, юрак-қон томир, қандли диабет, гастрит, ингичка ва йўғон ичак хасталиқлари, бефарзандлик, эркаларда мижоз сустиги, юрак астмиси сингари касалликлар семиз одамларда кўпроқ учрайди. Овқатга бўлган мутельлик кўп ҳолларда семизликни келтириб чиқаради. Чет эллардан кириб келётган, сифати кафолатланмаган ва турли гормонлар препаратлар қўшилган сунъий овқатлар тановул қилиш, хот-дог, гамбургер каби таомлар ейиш бунинг биринчи омилларидир.

Овқатланишга тобеълик маълум вақт мобайнида шаклланиб боради. Масалан, болаларда бундай тобеълик йўқ. Буни уларга катталар сингдиришда. «Яна битта қошиқ, яна битта», сингари ундовлар орқали... Шунингдек, бола йилгасеа конфетми, шоколадни бериб овутамиз. Натижада баъзиларнинг аламини босиши учун овқат ейиш одати пайдо бўлади. Бу каби бир-бири билан боғлиқ салбий одатларнинг барчаси танадаги биологик жараёни бузади. Мана сизга муаммонинг илдизлари қаерда.

Оч юриш, оздирадиган ҳапдорилар қабул қилиш, игна санчи билан муаммонини ҳал қилиб бўлмайди. Иштаҳани йўқотиб, оздириш услублари мутлоқ ақлга зид. Биз, ахир, овқат емасак қандай қилиб актив фаолият юрота оламиз. Бу жараёнда таркибиде наркотик моддалар мавжуд дори воситаларидан ҳам фойдаланиш ҳоллари кузатилади. Бу эса бош мия, ақлий фаолиятга салбий таъсир қилади. Масалан, яна бир тарафига назар ташлайлик. Балки, ўша дорилар одамнинг иштаҳасини йўқотар ва шу тахлит оздириши мумкин. Лекин буларнинг бари вақтинчалик, парҳез даври туғатч, одам яна семирверади, чунки, улар сабабини эмас,

оқибатни йўқотмоқчи бўлишади. Сабабини билмай турли касалликни даволаб бўлмайди.

Ҳозирча дунё миқёсида халқаро ҳуқуқий ҳужжат ёки тиббий меъёр ишлаб чиқилгани йўқ. Шунга қарамай, баъзи мамлакатлар бу муаммонини ҳал этиш борасидаги тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Жумладан, Аргентина парламенти ўтган йилнинг сентябрида «Семиршишга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Мазкур ҳужжатда семизлик касаллигининг бир тури, дея баҳоланди ва беморлар учун тиббий суғурта мажбурий қилиб белгиланди. Бу «касаликка» йўлиққанларни камситиш ёки таҳқирлаш қонун билан таъқиқланди. Мамлакатимизда ҳам соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Қадимда ота-боболаримиз айнан табиблардан шифо топишган. Бу борада ўлкаимизда етук мутафаккирлар етишиб чиққанлиги барчамизга маълум. Биргина ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарига ҳозирча қадар бутун дунёда ўқиб, ўрганиб, тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда. Соҳага берилаётган алоҳида эътибор туфайли бугун тиббиёт юксак чўққиларни забт этди. Фуқароларнинг саломатлигини асраб-авайлашда шифокорлар билан бирга, табибларнинг ҳам ҳиссаси беқийёслиги сир эмас. Авлоддан-авлодга ўтиб келётган табибликнинг лозим бўлса юксак аъёнларимиз сирасига киритасак арзийди. Моштабиблар, синчилар ва элимиз турли номлар билан атаб, эътизоланган аждодларимиз ҳақида кўп эшитганмиз. Шу боис ҳам ушбу мулоҳазаларимиз орқали киминдир танқид қилмоқчи эмасмиз. Балки бу орқали пул топши илмизда ўзларининг ҳеч қандай кафолатга эга бўлмаган хизматларини таққил қилаётган айрим «мутахассислар» фаолиятига назар ташламоқчи эдик, холос. Хулоса чиқариши эса сиздан.

Ақобир САЙИДОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

### МИЛЛИЙ МЕРОС

Она заминимизда туғилиб, яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир бобоқалонларимиз бизлар ва келажак авлодларимиз учун шундай буюк бебаҳо асарлар ёзиб, мерос қолдириб кетганларки таърифлашга тил ожиз. Уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон ақлини ҳайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим. Урта аср Шарқ табобат фани ва маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган ана шундай буюк алломаларимиздан бири қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийдир.

#### Каримжон ТОЙЖОНОВ, биология фанлари доктори, Марҳумат МАТВАФАЕВА, биология фанлари номзоди

Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида Беруний ҳақида алоҳида тўхталиб шундай ёзади: «Миллий тарихимизнинг яна бир ёрқин юлдузи Абу Райҳон Беруний фаолиятига ҳаққоний баҳо бера экан, америкалик фан тарихчиси Сартон ХИ асрни «Беруний асри» деб таърифлайди. Бундай юксак ва ҳақиқатан аввало қомусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётига қўшган беқийёс ҳиссаси билан изоҳланади».

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Абу Райҳон Беруний фанларнинг турли соҳаларига оид 150 дан зиёд бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган. Улардан бизгача 30 дан ортғи етиб келган, холос. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Хиндистон», «Геодезия», «Минерология», «Қонуни Маъсууд», каби асарлари ичиде умрининг сўнгги йилларида ёзган «Сайдана» («Китоб ас-Сайдана фи-т-тиб») номили китоби алоҳида аҳамиятга молик. Бу асарни захматқаш шарҳшунос

олим, академик У.Каримов ҳар томонлама ва ҳамкамал ўрганиб, таржима, изоҳ ҳамда кўрсаткичлари билан ўтган асрининг 1973 йили Тошкентда рус тилида чоп эттирган. «Сайдана»да тилга олинган 1116 номдаги доривор воситалар ичиде ўсимликлар, ҳайвон махсулотлари, озиқ-овқатлар, ичимликлар, минерал жинслар (тош, лой ва ҳ.к.) мавжуд. Бу асар доривор ўсимликларга бағишланган ар-Розий ва ибн Сино каби ҳақимлар китобларидан фарқ қилиб, шифобахш махсулотларнинг хусусияти, таъсири, ишлатилишига эмас, балки уларнинг қандай воситалардан олинмиши, сифати ва соғлигини аниқлашга бағишланган.

Шунингдек, аллома шифобахш ўсимликлар ҳар хил тилда, ҳатто бир халқ шевасида ҳам турлича номларни туфайли даволашда рўй берадиган хатоларга барҳам беришни назарда тутган. Бу ҳақда Беруний шундай мисол келтиради: Хоразм ҳукмдорларидан бири хасталаниб қолади. Табиб унга буюрган дорини Хоразмдан топа олмагач, Нишопурдан келтиришади. Баҳоси Хоразмда атиги 15 дирҳам бўлган дори (ўсимлик илдизини) Нишопурдан 500 дирҳамга сотиб олишганда сотувчи «Сизлар номини билмаганингиз сабаб, тасвирини ҳам билмайсиз» дей-

## Битмас-туганмас хазина

ди. Ваҳоланки ўша ўсимлик шу заминда ҳам ўсган, лекин бошқа ном билан аталган.

«Сайдана» муқаддима ва бош бобдан иборат.

Муқаддима «Сайдана» (Фармакогнозия) ва «Сайданони» (Фармакогнозия) атамалари мазмунини аниқлашга бағишланган. Биринчи бобда Беруний ҳинд, форсий ва туркий сўзлардаги «Ч» ҳарфи арабчада «С»га айланиши натижасида арабча «Сайданони» ҳиндча «Чанданони» маъноси (Сандал дарахти сотувчиси), улар ўз навабатида «Чандон» (Сандал дарахти номи билан боғлиқ эканлигини изоҳлайди.

Иккинчи бобда аллома дорилар одади ва мураккаб бўлиши, одам танасини озиқ моддалар, доривор махсулотлар ва захарли моддалар билан ўзаро муносабати, ҳатто ҳинд табиблари беморларни захар ўсимликлар билан даволаши ҳақида ҳикоя қилади. Учинчи боб зарур дорилар топилмаганда ўрнига бошқасини ишлатишда уларнинг ижобий ва салбий томонларига эътибор бериш зарурлигини уқтиради.

Тўртинчи боб она тили туркий тил бўлса ҳам асарлар илмий тил ҳисобланган араб тилида ёзилиши, форсий эса эртак ва ҳикоялар учун мос эканлигини таъкидлайди. Навбатдаги бешинчи бобда Беруний ён қўшгани юнондан ердиги ўсимликларнинг юнонча номини сураб, ёзиб олгани, лекин арабчада бошқа халқлар сўзларини тўлиқ ифода этиш мумкинлиги, шу нуқтаи назардан арабчадан юнон тилига қилинган таржималарда жузъий хатолар мавжудлиги ҳақида баёнлар бор. Ва нинди хотима қисмида китобда до-

ривор воситалар араб алифбоси асосида жойлаштирилгани, ҳар бир банд (параграф)да фақат битта дори (махсулот) тавсифлангани, жами бандлар юқорида айтилганидек 1116 та бўлиб, араб алфавитига мос 29 бўлимга ажратилгани ҳақида қайدلар мавжуд.

Ҳар бир бандда дори (ўсимлик)нинг арабча номи, сўнгра юноний, сурений, ҳиндий, форсий ва бошқа тиллардаги номи берилган.

Китобнинг 53-бетидеги жадвалда арабча ном 1600 та, эронча (форсий ва шевалар ҳамда Зобул тиллари билан)-1100, юнонча (рум тили билан) -750, сурений -400, ҳиндча (синд билан)-350, лотинча -15, туркча -9 келиб чиқши номалум бўлган сўзлар 280 номда бўлиб, уларнинг умумий сонга нисбатан (фонизи) ҳисобиде ҳам берилган. У.Каримов маълумотларига кўра XII-XIII асрларга чад асарга мурожаат бўлмаган, фақат XIV-XVIII асрларда айрим муаллифлар томонидан тилга олинган. Европада эса XX аср бошларида Британия музейида сара қўлёзма борлиги ҳақида маълумот тақриқтилган, холос дейилган. Шунингдек, 1927 йилда қўлёзмами дастлаб профессор А.Закий Валидий Тўғон Бурса шаҳри кутубхонасидан топилгани, кейинчалик эса олмон шарҳшуноси Макс Мейерхоф томонидан 1932 йил уш нусханинг муқаддима қисми чоп этилгани ҳақида айтилади.

Рус тилида илк бор А.М.Беленицкий ҳамда И.Ю.Крчковский ўтган аср ўрталарида маълумот беришган. Узбек тилида 1950 йилда Берунийнинг 900-йиллик юбилеи муносабати билан С.Мирзаев томонидан

72 бетлик мақола эълон қилинган.

Академик У.Каримовнинг бетиним ва машаққатли меҳнати туфайли «Сайдана»нинг араб тилидаги нусхаси ҳамда Британия музейида сақланаётган форсий таржимасидан олинган фотонусха асосида 1973 йил рус тилидаги таржимаси юзага келди. Заҳматқаш олимнинг ижодий меҳнати туфайли асарнинг қисқача мазмунини, уни ўрганиш тарихи, манбалар таржима усуллари қаби боблар -110 бетдан зиёд ҳажмини эгаллайди.

Маълумотларга кўра, Беруний «Сайдана»ни ёзишда 250 дан зиёд муаллиф асарларига мурожаат қилган. Булар қаторида Сусрут (эр. аввал 6 аср), Гиппократ (эр. аввалги 460-355 йил), Аристотель (эр. аввалги 384-322 йил), Феофраст (эр. аввалги 370-285 йил), Диоскорид (Дискурридус), Гален (129-200 йил), Орибазий (325-403 йил), Хунайн ибн Исхок (893-970 йил), Абу-л-Ҳайр (942-1030 йил) ва ҳоказо олимлар номи тилга олинган. Шу муаллифлардан Аристотель асарига 6 марта, Феофраст-4 та, Диоскорид-230, Гален-14-25, Орибазий-70, Павел -190, ад-Димашкий -27, Сахарбухт -80, Абу Ханифа -230, ар-Розийга -170 марта мурожаат қилинган.

Таржимон «Сайдана»да берилган изоҳ ва кўрсаткичларни тайёрлаш тарҳима қилишдан кам бўлмаган меҳнатни талаб қилганини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам номлар (исм-шарифлар)-16 бетни, географик номлар-13, этник номлар-3, манбалар рўйхати-5, доривор махсулотларнинг русча номи-11, лотинча-11, юнонча-10, араб алфавитида-66, ҳар хил тилда берилган номлар уч бетни

ташкил этган. Бундан ташқари 880 та доривор ўсимликка тегишли минерал жинслар -107, ҳайвонлар доривори 101 номдан иборат. Асосий дориворлар 70 га яқин мамлакат худудларидан олиб келинган ёки тайёрланган. Жумладан, ҳозирги Урта Осиё, Афғонистон, Эрон, Месопотамия, Арабистон, Африка, Хитой (2 ўсимлик), Тибет, Непал, Бирма, Комбоджа, Арманистон, Озарбайжон, Кичик Осиё, Юнонистон, Урта ер денгизи ороллари Италия, Испания ва ҳоказо. Бу номлар сирасида Орел денгизи, Бадахшон, Болосоғун, Бухоро, Исфара, Исфижоб (ҳозирги Сайрам), Қободён, Косон, Қўқон, Қиёт, Мовароуннаҳр, Марв, Самарқанд, Сўх, Сўғд, Тошкент, Термиз, Турон, Туркистон, Усрушона, Фарғона, Хоразм каби шаҳар ва вилоятлар номи ҳам келтирилган.

Илмий тилда (лотинча) ўсимликлар номи 900 атрофида бўлиб, булар орасида кўзқоринлар ва лийшайниклар ҳам бор. Ўсимликлардан ташқари уй ҳайвонлари - ҳўкис, қўй, эчки, от, эшак, тақа, бузоқ; ёввойи ҳайвонлар - арслон, қоплон, гепард, қулон, тулки, бўри; сув ҳайвонлари- акула, дельфин, морж, тюлен, тимсоҳ, балик; қушлар-қарға, қалдирғоч, мусича, чумчуқ, бедана, товус, қаклик; ҳашоратлар -чумоли, пашша, чивин, қана, бурга; турли қимматбаҳо ва оддий тошлар олмос, бирюза, билур, агат, зумрат; ҳар хил таом ва ичимликлар- атала, угра, бўза, айрон, қиём, ҳалим нон, тухум, шароб, сув ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, Берунийнинг «Сайдана» асарида шифо бўлмайдиган махсулот ва воситалар номининг адоғи йўқ. Аллома китобида номи келтирилган шифобахш гиёҳларнинг аксарияти ҳозирги кунда ҳам замонавий ва халқ табибатида самарали қўланиб келинмоқда. Қолаверса, авлодлар саломатлиги учун бебаҳо хазина сифатида асрлар оша яшайверади.

# ЖАРАЁН

## НУҚТАИ НАЗАР

# Қонун ижодкорлиги — юксак ҳуқуқий тафаккур маҳсули

Миллий қонун ижодкорлигимиз соҳасида Президент Ислам Каримовнинг "Юксак ҳуқуқий тафаккур — демократик жамият тақозоси" сарлавҳали суҳбати бирламчи илмий-назарий, амалий-услубий, методологик маънавий қонун ижодкорлиги мактабининг барча асосий таъинишлари белгилаб берилган. Улар орасида қонунчиликдаги халқчиллик тамойили етакчилик қилади. Дарвоқе, қонунчилик инсон ва халқ манфаатлари учун яратилади. Қонунчилик халқ манфаатларига мувофиқ бўлиши учун қўйидаги жиҳатларга аҳамият берилиши уқтирилади:

**Нусратулло ЖУМАХҲҲА,**  
**Филология фанлари доктори**

"Биринчидан, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қонун, қарор қабул қилганда, бундан тўла хабардор бўлиши керак. Иккинчидан, айниқса, инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши, бу қонунларнинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. Учинчидан, тайёрланаётган қонунлардан ҳам аҳоли хабардор бўлиши, яъни уларнинг қандай ишланаётганини жамият назоратида туриши зарур. Энг муҳими, давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этиши эришиш даркор. Шунда қонунларимиз инсон ҳуқуқини таъминлашга, бошқача айтганда, халқимиз манфаатларига ҳизмат қилади".

Мустақил давлатчилигимизнинг боши ғояларидан бири ҳуқуқий демократик давлат қуриш экан, унда ҳуқуқий тил ва қонун тили ҳам асосий долзарб муаммолар даражасига кўтарилиши ҳамда ҳал этилиши муҳимдир. Бизда "қонун ёзиш илми" (законография) институти энди шаклланиб келмоқда. Қонун арконлари мустаҳкам, пишиқ-пухта бўлиши учун, у, албатта, теран тафаккур ва чуқур ишлов билан ёзилиши зарур. Одатда, соч, арқон ва бошқа ўримларнинг арқоғи уч қисмдан иборат бўлади. Бизнингча, "қонун ёзиш илмининг арқоғи" ҳам уч йўналишини жипс фаолиятдан иборат бўлиши керак. Булар: ҳуқуқшунослик, тилшунослик (лингвистика), мантиқ илми (логика). Адабиётлардаги маълумотга қараганда, ишбу масалада қонуншунослар орасида баҳс бор экан. Профессор А.А.Ушакоев томонидан "қонун ёзиш илми" (законография) махсус соҳа сифатида мавжуд эканлиги, унинг ҳам бошқа соҳалар сингари ўзига хос тадқиқот объекти, мақсад, вазифалари, услуби бўлиши лозимлиги асосланган. Лекин, баъзи мулоҳазаларга кўра, бу ғоя бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан инкор қилинган. Назаримизда, мазкур масалада "қонун ва тил" китоби муаллифларининг кенгроқ қараш тамойилларини қўллаб-қувватлаган маъқул. "Ҳақиқатан ҳам, қонун матнини тузишда лингвистик биллилар мажмуини тан олмасдан бўлмайди, деб ёзадилар улар. — Лингвистикадан хабардор бўлмасдан қонунларни пухта ва пишиқ тузиб бўлмайди. Юқоридаги "қонун ёзиш илми" мавжудлигини инкор этувчи ҳуқуқшунослар эса бу жараёнга фақат ҳуқуқшунослик кўзи билан қарайдилар. Шунинг учун ҳам "қонун ёзиш илми"ни тасаввур эта олмайдилар, унинг ўрганиш объектини тўла тушунайдилар, қонунчилик техникаси ўз сифат ва хусусиятларидан маҳрум бўлиб қолади, деб ўйлайдилар. Бизнесинг фикримизча, "қонун ёзиш илми" қонунчилик техникасини инкор этмайди, балки уни тўлдирди, мукамаллаштирди, қонунларнинг сифатли яратилиши учун муҳим асосий таъин бўлиб хизмат қилади". (А.Саидов, Л.Саидова, Ш.Кўчимов. Қонун ва тил. "Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи). Дарҳақиқат, мукамал қонунлар яратиш янги давлат ва жамият қуришининг ўзак масалаларидан биридир. Қонун ҳуқуқий

қарашлар мажмуини мантикий мушоҳада юритиш воситасида тил материали орқали ифодалаш маҳсулидир. Қандай қилиб бу ўзига хос ижодкорлик намунаси таркибидида мантиқ ва лингвистика илми хизматини инкор этиш мумкин? Агар бу учала йўналишнинг чамбарчас, уйғун ҳаракатдаги иштироки бўлмаса, ғоявий, таркибий, мантикий, лисоний мустаҳкам қонун вужудга келмайди. Шунинг учун қонун ёзиш илмини шакллантириш, ривожлантириш асл мақсадларга етказувчи муҳим омил сифатида қаралмоғи муҳимдир. Мана шу асосда миллий қонунчилик мактаби ҳам шаклланади. Миллий қонунчилик мактаби яратилиши учун унинг кадрлар тизимини шакллантириш ҳам зарур бўлади. Ҳўш, миллий қонунчилик мактабининг кадрлари қандай сифатларга эга бўлиши керак? Миллий қонунчилик мактаби кадрлари истеъдодда ҳуқуқшунослик, тилшунослик, мантиқшунослик қобилиятлари баравар фаолият кўрсатиши лозим. Қонун чиқарувчи идораларда мана шу уч қобилиятни ўзида мужассамлаштирган кадрлар ишлаши мақсадга мувофиқдир. Олимларимизнинг эътирофи эътиборга, эътибордан бир қанча йиллар илгари Римда қонун ёзиш илми мустақил фан сифатида ҳуқуқшунослик, тилшунослик, мантиқшунослик фанлари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилган экан. Асрлар давомида давлат ва жамиятга хизмат қиладиган қонунлар яратиш мустақил Ўзбекистонда бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда. Бу борадаги айрим муаммолар баъзи олимларимиз томонидан маълум даражада аниқланган ҳам. Масалан, профессорлар А.Саидов ва Г.Саркисанцлар қуйидаги муаммони долзарб муаммолар сирасида са-

**Мустақил давлатчилигимизнинг боши ғояларидан бири ҳуқуқий демократик давлат қуриш экан, унда ҳуқуқий тил ва қонун тили ҳам асосий долзарб муаммолар даражасига кўтарилиши ҳамда ҳал этилиши муҳимдир. Бизда "қонун ёзиш илми" (законография) институти энди шаклланиб келмоқда. Қонун арконлари мустаҳкам, пишиқ-пухта бўлиши учун, у, албатта, теран тафаккур ва чуқур ишлов билан ёзилиши зарур.**

найдилар "... юридик тилни узоқ муддат тадқиқ қилишда бирмунча умумий фикр юритилиб, аниқ, лўнда ва бир хилликка қақариш билан киёвланади. Муаммони ишлаб чиқишга бундай ёндашиш ўз вақтида зарур эди. Лекин ҳуқуқий ислохот ва у билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари сонининг шиддат билан кўпайиши амалиёт талабига кўра ҳаёт билан чамбарчас боғланган юридик "тил"нинг назарий моделини — "андоза"сини ишлаб чиқиш, тил ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини тақозо қилишининг барча омилларини ўрганиши долзарб муаммолар қаторига кўяди". Қонун ёзиш илми биринчи навбатда ўрганиши зарур бўлган муаммолар, назаримизда, қуйидагилардан иборатдир.

Ўзбек миллий қонун тилининг вужудга келиш тарихини ўрганиш. Ҳўш, миллий қонунларимиз қачон пайдо бўлган. Уларнинг тилини ўрганиш қандай тарихга эга? Бу тарихнинг ўрганилиши аҳоли ва буғунги қонунчилигимизда ундан фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлар нималардан иборат?

Қонун тилида мантиқ илмининг тутган ўрни нималардан иборат бўлиши муҳим? Мантикий изчиллик, мантикий мутаносиблик, мантикий асосланганлик, далилланганлик мантикийлик, мантикий тугаллик хусусиятлари.

Қонунларнинг термин ва атама таркиби қандай бўлиши керак. Қонун атамачилигини юзага келтириш ва тақомиллаштириш муаммолари. Қонуннинг сўз бойлиги қатлами, ҳуқуқий лексикани тадқиқ этиш. Қонун тилининг услубий хусусиятлари, стилистикасининг ўзига хослиги. Қонун тили ва таржимачилик муаммолари. Миллий қонун тилини ривожлантиришда ўзга тиллардан қилинган таржималарнинг аҳамияти қай даражада? Бундай таржималардан фойдаланиш муаммолари. Миллий тилда яратилган ўзбек қонунларини бошқа тиллардан тилларга ўғитиш муаммолари. Қонун тилининг озгаки нутққа, ўзбек нутқи маданияти талабларига мувофиқлиги муаммолари.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, қонун ёзиш илми олдида кенг кўламли вазифа турибди. Улар ўз тадқиқотчилари ва кашфиётчиларини кутмоқда.



## БАНК ХИЗМАТИ

# Мижоз манфаати устувор

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Юртимизда банк тизими йил сайин такомиллашиб, иқтисодий барқарор ривожланиш, халқ ҳўжалигидаги ислохотларни изчил амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу борада давлат тижорат "Халқ банки" Сиёб филиалида ҳам қатор ижобий ишлар қилинаётир. Айни кўнда банк 445 нафар юридик, 73865 нафар жисмоний шахсларга ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шўғулланувчи 200 нафар миждога намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири- бу нақд пулни банкдан ташқари айланмасини қисқартиришдир,- дейди банк бошқарувчиси Фарҳод Хидиров. —Шунингдек, улارнинг маблағларини молиявий муассасалар кассаларига тушишини таъминлаш орқали биринчи даражали тўловлар - нафақаҳўрлар, болалар

нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулларини бериш, умуман миждозлар, аҳолининг нақд пулга бўлган қонуний эҳтиёлларини қондиришдан иборатдир. Қувонарлиси, банкимизда аҳоли қўлидаги пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар ўзининг самарасини бераётир. Энг муҳими биз бугун банкда янги омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишга эришдик. Хусусан "Умид", "Соғлом келажак", "Саховат" турларига халқимизнинг қизиқиши ортаётганини таъкидлаш жоиз. Шу тўғрисида ўтган даврда банк пул тушуми омонат учун 232 786,3 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари миждозларга ўтган даврда 1 млрд. 232 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Хусусий тадбиркор Рус-там Хайдаровга паррандачиликни ривожлантириш учун 19 млн. сўм, Зокир Тождидиновга мебел ишлаб чиқариш учун 20 млн. сўмлик кредитлар берилди. Алишер Сафаров 13 млн. сўм кредит олиб дорихона фаолиятини йўлга қўйди. Нилуфар Сатторова 20 млн. сўм кредит эвазига озик-овқатлар савдосини ташкил этди. Ёш оилаларга ипотека кредитлари ажратилиб ўз уй-жойларига эга бўлишлари учун имкониятлар яратилмоқда. Масалан, Жасур Нишонова 20 млн., Фотима Қудратовага 35 млн., Бекмирза Қудратовга 20 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

## ЗИЁ МАСКАНИ

**Ёқубжон ЭРҒАШЕВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Поп маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи қошида ташкил этилган Ахборот-ресурс маркази ҳозирги кўнда фойдаланувчиларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Компьютерларимиз Ziyonet га уланган бўлиб, ўқувчиларга қўлайликлар яратиш мақсадида китоб фонднинг эрвис программаси асосида китобларнинг электрон каталоги яратилмоқда. 40 ўринли 1-ўқув зали, 5296 та китобхонларнинг маънавий дунёқарашини ўстириш учун хизмат қилмоқда,- дейди биз билан суҳбатда АРМ раҳбари Ширмон опа Лутфуллаева.

Коллежда тез-тез ўтказилиб туриладиган тадбирлар ҳам қизгин баҳс-мунозараларга айлана битади. Жумладан, "Ўзбекистон жасур ва мард ўғли", "Йигитнинг сараси асқар бўлади" ёки буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудига ба-

# АРМ

ғишлаб, "Дунёни ларзага солган шоир" номли мусикали кеча, "Бошқаруш замондошлар хотирасида", "Истиклол нуридан мунаввар аёл", "Хўш келдинг, Наврўзим!" номли мавзуларга ўтказиб келинаётган мусикий кечалар фикриниз далилидир.

Бундан ташқари "Президентимиз асарлари — маънавиятими бойлиги" мавзунда китоб кўргазмалари ташкил этилди. Асарни ўрганиш мақсадида суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, китобхонлар анжуманлари ўтказилмоқда. 19 июнь кўни коллежининг ахборот-ресурс марказида Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни барқарорлаштириш йўллари ва чоралари" номли асарни юзасидан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Бунда коллеж директори Иброҳимжон Мирзаарҳаматов асар ҳақида атрофли тўхталди, ўз мулоҳазаларини баён этди. Шундан сўнг Ш.Лутфуллаева,

ёшларни севимли марказига айланмоқда

Ю.Икромов ва Г.Ғойипова мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги тахнологияларни жорий қилиш, турмуш маданиятини шакллантириш, янги иш жойлари яратиш борасида қилинаётган кенг кўламли ишлар борасида тўхталдилар.

Айниқса коллежда бўлиб ўтган битирувчилар билан диплом олиш ва хайрлашув кечаси кўпчиликида унутилмас таассурот қолдирди. Кечада битирувчи ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топиш, ёшларнинг тўлақонли билим олишлари учун муҳтарам Ўртабшарим раҳбарлигида барча имкониятлар яратилганлигини таъкидлашди.

Зеро, шундай экан буюк Ўзбекистон бундан-да гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз бор илмимиз, имкониятларимизни ишга солиб, ёшларимизни юртимизнинг шиждоатли, ўз Ватанига содиқ фарзандлар қилиб тарбиялашни муқаддас бурч деб билишимиз зарур.

## ТАДБИРКОРЛИК

# Янгиер черепицаси

арзон ва харидорғир

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ўтган йил Янгиер шаҳрида яшовчи тадбиркор Ваҳобжон Келдиёров катта юмушга қўл урди. У шаҳар марказидаги ташландик, хароба ҳолга келиб қолган маиший хизмат кўрсатиш корхонасини биносини 22 млн. сўмга сотиб олиб, уни замонавий қиёфада таъмирлади.

Ваҳобжонни шаҳар кўча-кўйида, йўлакларидан сочилиб ётган сон-саноксиз целлофан қоғозлар ташвишга солар ва уларни қайта ишлаб ўй-жой қурилиши учун материаллар ишлаб чиқариш ўйлангандир.

Тадбиркор ўзи етакчилик қилаётган "Полимер-Бинокор" масъулияти чекланган жамият қошида ўй-жой қурилишида шифер вазифасини ўтайдиган черепица (сопол шифер) ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонага Туркиядан қўлилиб келтирилди. Айни кўнда бу ерда иккита қўлиплаш цехи тўла қувват билан ишламоқда. Ҳар ойда 150-200 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

— Оддий целлофан қоғоз, қум ва турли бўёқ аралашмаларидан юқори ҳароратда тайёрланаётган черепицадан сифат жиҳатидан ҳар қандай шиферлардан асло қолишмайди. Унинг баҳоси ҳам бошқа шиферларга қараганда бирмунча арзонлиги боис буюртмачиларимиз сони кўп сайин ошиб бораёпти,- дейди тадбиркор Ваҳобжон Келдиёров. — Биз тайёрлаётган сифатли ва бежирим черепицалар тўғрисида қишлоқларимизда бир-бирдан чиройли уйлар қад ростлапти. Нафақат вилоятимизда, балки Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Жиззах вилоятларидан ҳам кўплаб буюртмалар тушаяпти.

Корхонанинг истиқболдаги режалари янада салмоқли. Айни кўнда жамоада яна иккита қўлиплаш цехини ўрнатилиш ва пластмасса қувурларини ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар тўғрисида янги иш ўринлари янада кўпаяди.

# Ободончилик

буни ҳозир ҳар бир

маҳаллада кузатиш мумкин

## ИБРАТ

**Шерали Сафаровни туманда кўпчилик яхши билади ва ҳурмат қилади. Ўта камтар ва самимийлигини айтмайси.**

**Алишер РАҲМОНОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ўзининг таъбишидан кўра одамлар манфаатини қўпроқ ўйлайдиган Шерали ака 7 йилдан буён Шўрчи туман "Маҳалла" хайрия жамғармасининг раиси вазифасида ишлаб келаяпти.

Ўтган давр мобайнида маҳалла ҳаётига оид бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Маълумотларга кўра туман "Маҳалла" хайрия жамғармасига қарашли 52 та маҳалла фуқаролар йиғини, 10 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда 1 та шаҳарча фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Одамларга меҳр-мурувват кўрсатиш, саховатпешалик қилиш туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси раисининг асосий иш мезонига айлана бораёпти. Бўлиб ўтадиган ҳар бир байрам муносабати билан туманда истиқомат қилаётган ногиронлар, кам таъминланган оилалар ва ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, уларга мурувват кўрсатиш, қолаверса ёш оилалар-

нинг никоҳ тўйларига бош-қош бўлиш аънаъга айланган. Айниқса амалга оширилаётган кенг қамровли ободончилик ишлари туман марказидан бошлаб, олис қишлоқларга ҳам ўз аксини топган, десақ муболага бўлмайди.

— Туман "Маҳалла" хайрия жамғармасида ва хайлардаги ҳудудий бўлим бошқарувчилари биринчи навбатда эътиборимизни ободонлаштириш ишларига қаратдик. Маҳалла кўчаларини обод қилиш, мевали ва манзарали дарахлар кўчатини ўтказиш, ташландик ерларни обод масканларга айлантиришда маҳалла фаолларимиз ҳамжиҳатлик қилиб келаяпти. Мустақиллик байрамининг 18-йиллиги арафасида, 15-16 август кўнлари мамлакатимизда бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарига 51100 нафар туман аҳолиси жалб этилиб, шундан 38020 нафари ёшларни ташкил қилди. Ҳашар давомида 96,4 га ер майдони ободонлаштирилди, 1330 км. ариқ-зовурлар тозаланди, 3 та зиёратгоҳ ва 29

та қабристон ободонлаштирилди ва 401 тонна чиқинди чиқариб ташланди. Шунингдек, туманимиздаги кам таъминланган оилаларнинг 104 кв.м.лик уй-жойлари ҳашар йўли билан қайтадан таъмирланди,- дейди биз билан суҳбатда Шўрчи туман "Маҳалла" хайрия жамғармасининг раиси Шерали Сафаров.

Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган бу каби юмушлар маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари зиммасига янада каттароқ масъулият юклайди. Зеро, маҳаллаларимиз қанчалик ораста бўлса, юртимиз шунчалик обод бўлиши мумкин.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан тумандаги "Жайилма" маҳалласида барпо этилган ҚВП ҳамда "Бахшитаппа" ва "Совжирон" маҳаллаларида янгидан қад ростлаган мактаб бинолари қишлоқ аҳолининг ёшув кексаларида катта

қувонч уйғотди. Жамғарма раисининг таъкидлашича бўлиб ўтадиган байрамлар, умумхалқ ҳашарларида, қолаверса маҳалла ободончилиги йўлида муносиб хисса қўшиб келётган "Ёшлар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холназар Очилдиев, "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хамроқул Маматқўлов, "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Соат Алимардоновнинг саъй-ҳаракатларидан кўпчилики мамнун.

Зеро, маҳалла ободлиги фақат маълум бир ҳудуднинг саранжом-сарийшталиги билангина эмас, балки шу маҳалла кишиларининг юрishi-туриши, тутган ўрни, ҳулқ-одоби ва ҳудудларнинг нечоғли ободлиги билан ҳам изоҳланади. Шўрчи туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлим бошқарувчилари томонидан амалга оширилаётган ишлар эса ана шу ҳаётий ҳақиқатга ишора, ҳолос.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

## Жаҳон қурол-аслаҳа бозори:

# Қуролланиш пойгасидан ким манфаатдор?

### Йиллик савдо ҳажми тобора ошиб бораётгани халқаро ҳамжамиятни амалий чоралар кўришга ундамоқда

**БМТ маълумотларига кўра, 2008 йилда дунё мамлакатлари қурол-яроғ савдоси бўйича рекорд натижасини қайд эттиган — 1,454 триллион доллар. Бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг 2,4 фоизини ташкил этиб, сайёрамиздаги ҳар бир фуқарога 217 доллардан тўғри келади. Рўйхатнинг 1-ўринида турган АҚШнинг Ироқ ва Афғонистонда олиб бораётган ҳарбий амалиётлари 903 миллиард долларга тушган. 1999 йил билан солиштирилганда мазкур мамлакатнинг ҳарбий харажатлари 67 фоизга ўсиб, 607 миллиард долларга кўпайган. Хитойнинг қурол-яроғ учун сарфлаган харжлари қарийб 84,9 миллиард долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич орқали расмий Пекин Франция ва Буюк Британияни ортда қолдирган. Умуман олганда, дунё мудофаа харажатларининг 46 фоизи АҚШ, 20 фоизи эса унинг НАТОдаги асосий иттифоқчилари ҳиссасига тўғри келиши айтилмоқда.**

#### Бехбуд БОТИРОВ

Маълумотларга қараганда, 1990-йилларда умумдунё миқёсида ҳарбий харажатлар бир триллион доллардан ошган эди. Орадан 18 йил ўтиб, бу борадаги кўрсаткичлар эса 1.300 миллиардга ташкил этди. Экспертларнинг фикрича, қурол-аслаҳаларни кўпроқ нотинч ҳудудлар — Яқин шарқ, Афғонистон ва Ироқ, Африка қитъаси, Латин Америка давлатлари сотиб олишмоқда. Афсуски, қуролланиш пойгасининг йилдан-йилга кўкка бўй чўзаётганининг сифат жиҳатдан такомиллашиб бориши таъминламоқда.

Бугунги давр аввалги асрга нисбатан анча ўзгарган. Бошқача айтганда, сайёрамизни деярли ярим аср кўрқув ва ҳадик муҳитида сақлаб келган "совуқ уруш" поёнига етганига қарамай, бу даврнинг муҳими асосрати — қуролланиш пойгаси ҳали-ҳануз давом этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қуролланиш аввалги даврдаги каби очиқ-ошқора, намоийшкорона тарзда эмас, махфий, норасмий суръатда амалга оширилмоқда. Бунга бугунги кунда ядро қуролига эга бўлиш истагини даволатлар сони кўпайиб бораётгани, айниқса, кунора Ироқ, Фаластин ва Исроил ҳудуди, Афғонистон ва Покистонда террорчилик хуружларининг тўхтамаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жаҳон қурол-яроғ бозоридagi вазиятни таҳлил қилганда, йиллик савдо ҳажми борган сари ошиб бораётгани кўзга ташланади.

Халқаро кузатувчиларнинг эйтирофи айтиларча, сайёрамизни аста-секин ўз домига тортиб бораётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, айрим давлатлар мудофаага ажратилиши кўзда тутилган харажатларнинг камаймаслиги ҳақида баёнот беришда давом этмоқда. Бу эса бошқа тарафдан аҳолини қашшоқ, иқтисодий таъғирлашда мамлакатларда маҳаллий низолар келиб чиқиши эҳтимолини оширишга ҳам хизмат қилаётди. Айнан маҳаллий ва минтақавий урушлар, этник низолар кўни давлатларни ўз суверенитетини ҳимоялаш учун қуролли куч-

лар қудратини оширишга мажбур этапти. Халқаро жамоатчиликни ташвишга солаётган ҳолат шуки, оммавий қиргин қуроллари турларининг ривожлантирилиши (ядровий, водород, нейтрон, кимёвий, бактериологик ва ҳоказо) шунга олиб келдики, бугунги кунда тўпланган қурол-яроғлар захираси инсоният ҳамда сайёрамиздаги мавжудотларни бир неча марта йўқ қилиш учун етарлидир.

Ҳозирга келиб бу оммавий қиргин қуролига АҚШ, Россиядан ташқари Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Покистон мамлакатлари ҳам эга. Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, яқин йилларда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳам атом бомбаси ишлаб чиқариши мумкин. Бу борада расмий Пхеньян билан кўплаб музкаралар олиб борилаётганига қарамай, масалага ечим топилишича йўқ. Расмий Пхеньяннинг ҳам ўзига яраша даъвоси бор. Мамлакат расмий доиралари нима учун бошқа давлатлар ядро қуролига эга бўлиши мумкин-у, бизга мумкин эмас, деган саволни бермоқда. Бундай қарасангиз, дунёда инсониятга қарши ишлатиладиган янги қуроллар яратилишига ҳамма қаршидир. Лекин бирор давлатнинг ядро дастури муҳокама қилинадиган бўлса, дарров унинг тарафдорлари топилади. Натижада масала муҳокамадан нарига ўтмай қолиб кетаверади.

Ҳўш, жаҳонда қурол-аслаҳалар ишлаб чиқариши камайтириш мумкинми?

Ҳарбир-сийсий қарама-қаршиликларнинг бартараф этилиши, халқаро вазиятнинг умумий яхшиланиши урушни онгли равишда бошланиш хавфини анча камайтирди. Бироқ унинг тасодифан бошланиш кетиш хавфи ҳамон мавуд. Шу боис мутахассислар мазкур муаммо фақат глобал қуролсизланиш ва биринчи навбатда, оммавий қиргин қуролларининг йўқ қилиниши орқали ҳал этилиши мумкин, дейишмоқда. Бунинг учун энг аввало ривожланган давлатлар ташаббусни ўз қўлига олишлари керак. Шунингдек, оммавий қиргин қуролларини камайтиришда атом энергияси бўйича халқаро агентлик —



МАГАТЭнинг ролини кучайтириш лозимлигини айтишган. Бироқ айрим давлатлар атом энергиясидан бошқа мақсадларда, жумладан, ҳарбий мақсадларда фойдаланиш хавфи пайдо бўлганида, бу ташкилот зиммасига янада кўпроқ масъулиятли вазифаларни ҳам юклаши мумкин.

Бир қарашда қуролланиш учун сарфланаётган харажат ва савий-харажатлар табиийдай туюлади: гоая таҳликали ва таҳдидли воқеаларга бой бўлган замон ҳар бир давлат олдида хавфсизлик ҳамда мудофаа борасида жиддий амалий чора-тадбир кўриш талабини кўймоқда. Иккинчи томондан, қурол-аслаҳаларнинг бу қадар кенг миқёсда сотилиши ўзи шундоқ ҳам урушлар, ихтилофлар масканига айланиб қолган сайёрамизда вазиятнинг янада издан чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу эса иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ер юзида рўй берган 100 дан ортиқ катта-кичик урушларда кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Айрим мамлакатларга кўра, дунё 35 та қуролли можабро тинчимаётганига гувоҳ бўлиб турибди. Ҳарбий харажатларнинг ўсиб бориши эса бундан буён уларни барқарорлаштиришга эмас, аксинча, оловли нукталарнинг кўпайи-

**Таҳлилларнинг кўрсатишича, 1996-2003 йиллар давомида қурол-яроғ импорти бўйича Осиё минтақасидан Бирлашган Араб Амириклари 15,7 миллиард доллар миқдорда қурол сотиб олиб ўзига хос рекорд ўрнатган. Кейинги юқори натижаларни эса Хитой (13,7 миллиард доллар), Миср (13,6 миллиард), Ҳиндистон (12,6 миллиард), Исроил (9,9 миллиард), Саудия Арабистони (9,4 миллиард), Жанубий Корея (8,8 миллиард), ЖАР (5,3 миллиард), Малайзия (5 миллиард) ва Покистон (3,8 миллиард) каби давлатлар қайд этган.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Талабалар яна ўқишга

**Покистонда таълим даргоҳлари яна ўз фаолиятини бошлади.** Бир неча кун олдин мамлакатнинг энг йирик олийгоҳи — Исломобод ислом университети биноси олдида террорчилар томонидан содир этилган портлашдан сўнг пойтахтдаги аксарият ҳам олий, ҳам ўрта махсус таълим даргоҳлари вақтинча ёпиб қўйилганди. Кечадан бошлаб барча илм масканлари ўзи ишларини бошлади. Шу муносабат билан сўзга чиққан Исломобод ислом университети ректори талабаларни кўрқув ва ваҳимага тушмасликка чақирган. Ёслобти ўтамиз, бир неча кундан буён мамлакатнинг жанубий Вазиристон ҳудудида коалицион кучлар ва «Толибон» террорчилари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда.

## Болалар тили

**Япониядаги йирик «Эн-ти-ти» телекоммуникация компанияси болалар томонидан сўзларни талаффуз этиш усулларини ўзда муҳассама этган маълумотлар базасини яратишга киришди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот мажмаси.**

«Болалар сўзлари луғатини тайёрлашда ота-оналар яқиндан кўмаклашмоқчи. Манбаларнинг асосий етказиб берувчилари ҳам уларнинг ўзлари бўлишади. Гап келажакда мобил телефонлар воситасида фойдаланиш мумкин бўлган электрон таржимонларни яратиш ҳақида кетаяпти. Шунингдек, бу лойиҳадан болалар нутқини тушунадиган ҳамда уларга кўз-қулоқ бўла оладиган роботлар яратишда ҳам фойдаланиш кўзда тутилган.

## Инқироз вертолётларгача етди

**Жаҳон бозорида фуқаролик вертолётлари бўйича етакчи компаниялардан бири «Eurocopter» сарф-харажатларини камайтиришни маълум қилган.**

Сайёрамизда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ва бир вақтнинг ўзида ёқилги нархининг қайта кўтарила бошлагани туфайли корпорация ва ташкилотларнинг ҳаво орқали юкларни ташиш эҳтиёжини тушириб юборди. «Eurocopter» компанияси жорий йилда ҳеч қандай молиявий прогнозлар қилишни хоҳламапти.

Компания тарқатган маълумотларга кўра, айнан харжларни қисқартириш орқали 2011 йилгача, йилига 200 миллион евро иқтисод қилиш имконияти пайдо бўлади. Экспертлар муаммони ишчи-ҳодимларни қисқартиришларис ечиб бўлмаслигини таъкидлашган. Айни пайтда компанияда 16 минг ишчи ишлайди.

## Ҳарбий хизмат 6 ой

**Германия бундесверда ҳарбийлар хизмати 9 ойдан 6 ойгача қисқартирилади.**

AFP тарқатган маълумотларга кўра, мамлакатда коалицион ҳукуматни шакллантириш борасида олиб борилаётган музокаралар чоғида консерваторлар ва либераллар бундесверга чақирув буйича хизмат муддатини 9 ойдан 6 ойгача қисқартиришга келишиб олишган. Сайловолди кампания бошланган пайтда Эркин демократик партия раҳбари Гидо Вестервелле чақирувни бекор қилиш ва бундесверни профессионал армияга айлантиришга чақирганди. Маълумотларга кўра, айни пайтда Германияда ёшларнинг атиги 15 фоизи ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳозирча ҳарбий хизмат муддатларини қисқартириш борасида яқини қарор қабул қилинган йўқ.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## РАНГИН ДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tikanish" мухбири

**Олимлар Суриянинг Хамукар қишлоғи ҳудуди ери остидан тахминан олти минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳарни топиди, дейилади ОАВ хабарларида. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу сайёрамиздаги энг қадимги шаҳар бўлиши мумкин. Шунингдек, олимлар агар бу назария исботланса, ушбу топилма дегарли Ер юзидagi шаҳар ва цивилизациянинг таркиб топилгандаги аънавий тушунчаларни ҳам ўзгартириб юбориши мумкин, дейишмоқда.**


Археологлар 1920-30 йиллардаёқ бу ерларда қазилма ишларни олиб боришган. Ушанда олимлар Митанн империяси қолдиқларини ахтаришган, ammo "вашуқан назарияси" ўз тасдиғини топмагани боис, бу изланишлар тўхтатилган эди. Орадан йиллар ўтиб олимлар бу маконда қандайдир сир-синоат ётибди дея, у билан яна қизиқа бошлади. Хамукар қишлоғини текшириш учун суриялик ва америкаликлардан таркиб топган махсус гуруҳ ташкил этилиб, унга Чикаго университетининг илмий ҳодими Маквайр Гибсон раҳбар этиб тайинланди. Аввалига археологлар мазкур ернинг харитасини тузиб чиқиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қазилма иши олиб борилаётган ернинг ҳар бир метрини луга орқали тек-

ширишади. Ва бу текширув ўз натижасини берди ҳам. Биринчи топилган майдон 13 гектар бўлиб, у эразмиздан олдинги 3209 йилга тегишли экани аниқланган. Аста-секин бу майдон 102 гектар ерга кенгайиб, натижада ўша даврнинг йирик шаҳарларидан бирига айланади.

Олимларнинг изланишларига спутникдан олинган тасвирлар анча қўл келади. Аввалига мутахассислар ушбу тасвирларда деворга ўқшаш қандайдир тўқ қора чиизиқларни аниқлашган. Кейин, хариатдан мўлжаллаб олинган ерлар тасвирларга қараб, эҳтиёткорлик билан қазилади. Шундан сўнг, қазилма иши уч босқичда олиб боририлган. Археологлар биринчи босқичда — узунлиги 60 метр, эни 3 метр бўлган зинапога дуч келишади. Ҳар бир зина-



поя кейингисидан 4-5 метр пастроқда жойлашгани боис, бу ердаги қазилма иши анча вақтга чўзилади. Археологлар зинапоанинг энг пастки қаватида 6 минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳарни топиди. Олимлар ушбу шаҳарни "Хамукар" деб номлашди.



тегишли бўлган сопол идиш ва бир талай тақинчоқлар ҳам топилди. Мутахассислар, бу топилмалар Сурия ва Месопотамия халқларининг ўша даврда ўзаро мулоқотда бўлганидан дарак беради, дейишмоқда.

Шундан сўнг, археологлар қадимги уйларни аста-секин ери остидан қовлай бошлади. Мутахассислар навбатдаги қазилма чоғида кул остида қолган яна бир уйга дуч келишади. Олимлар тадқиқот давомида ёнгин сабабини ҳам

ўрганишади. Хоналарнинг биридан топилган тўртта печ бу ёнгинга ойдинлик киритди. Печ ёнидан буғдой ҳамда ҳайвонларнинг суяклари топилгани боис олимлар бу печларда гўшт пиширилган, нон ёпилган деган хулосага келишган. Олимларнинг таъкидлашича, қадимги шаҳар аҳолисининг маданияти ва урф-одатини аниқлашга асосан сопол буюмлар ва топилган 15 та муҳр ёрдам берган. Мутахассисларнинг айтишича, муҳрлар тошдан ясалган

бўлиб, уларга ҳайвонларнинг тасвири ўйиб туширилган. Айтгандек, муҳрларнинг барчаси бир ертўладан топилган. Муҳрлар ичидаги энг катта ва чиройлисига шер ҳамда шохли ҳайвон тасвири туширилган экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қадимги шаҳар муҳр бадалат кимсага, қолган ҳайвонлар (куён, ит, балж, айқ, қуш, эчки,) тасвири туширилган муҳрлар эса хусусий мулк эгаларига тегишли бўлган. Тарихчилар авваллари

# Сайёрамиздаги энг қадимги шаҳар

### 6 минг йил давомида бор йўғи 2 метр чуқурликда ётган экан

ҳозирги Сурия ва Туркия давлатларининг қадимий халқлари Жанубий Ироқда шаклланиган ва юксак тараққиётга эришган Уруқ давлати билан мулоқотда бўлганидан сўнг фаол ривожлана бошлаган, деб ўйлашган. Бироқ, Хамукар шаҳрининг топиллиши юксак даражада ривожланган цивилизация нафақат Дажла ва Фрот водийсида, балки бошқа ҳудудларда ҳам бўлганидан дарак беради. Айрим тадқиқотчилар айнан Сурияда илк цивилизация илдиз отган деган назарияни илгари суришмоқда. Негаки, топилмалар ҳам шаҳар ва цивилизацияларнинг пайдо бўлишидаги аънавий тушунчаларни ўзгартириб, биз ўйлагандан-да анча аввал юксак ривожланган цивилизация бўлганидан дарак бермоқда.

Олимларнинг таъкидлашича, Хамукар шаҳри мутахассислар томонидан ҳали узоқ вақт ўрганилади ва у кейинчалик яна бирмунча янгиликларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Негаки, у ер юзасидан атиги 2 метр чуқурликда жойлашган ва аввалги олти минг йиллик тарихга эга бўлган ягона ер қатлами ҳисобланади.

# КЎЗГҮ

РАҚС

## Сеҳрли санъат

аёлларимизга хос назокат, ифбат, ҳаё, кийиниш маданиятини ўзида мужассам этган ўзбек рақс санъати айни шу жиҳатлари билан ажралиб туради

Ҳаётимизни гўзал куй-қўшиқ, қалбларга ўт ёқувчи рақсларсиз тасаввур этолмаймиз. Негаки, санъатга бўлган муҳаббат ҳар биримизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Санъатнинг турлари хилма-хил. Ҳар бири ўз кўрки, жозибасига эга. Улар орасида рақс санъатининг ўрни бўлакча. Рақс сўзини эшитишимиз билан майин мусиқа оҳанглари га гир айлиниб рақсга тушаётган раққосанинг нозик ҳаракатлари, латофатли мимикаси кўз олдимизда гавдаланади.

Камолитдин ҲОТАМОВ,  
"Milly Tiklanish" мухбири

Унинг нафосати, нозиклиги юракларни титратувчи жозибаси томошабинни ўзига жалб этмай қолмайди. Кўпинча биз тўй-томоша, байрамларда кичик ёшдаги кизчаларнинг мусиқа оҳангига ҳамоҳанг ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўламиз. Уларга шундай қилишни ўргатишгани учун эмас, балки ички бир туйғу шу ҳолатга туширади ва ўз-ўзидан куйга мос равишда ҳаракат қила бошлайди. Шу жиҳатдан рақснинг сеҳрловчи санъат, десак муболага бўлмайди.

Инсон пайдо бўлганида рақс ҳам пайдо бўлган. Эрамыздан олдинги VIII-VI минг йилликларга оид қояларга чизилган расмлар рақснинг хореографик композицияларини ифодалайди. Уша пайтлари рақслар аналитик характерга эга бўлиб, уларнинг сюжети ҳайвонларни кузатиш орқали юзага келган. Рақс илоҳий бир куч бўлиб, инсонни беихтиёр рангин туйғулар оламига чорлайди, унинг борлиқдан олган ҳиссий таассуротлари таъсирида юзага келади.



кўрсатган. Милодий II-III асрларга оид Хитой манбаларида Марказий Осиё халқининг мохир созандалари, мақомчи ва бастакорлари ҳамда раққосалари ҳақида маълумотлар мавжуд. Солномаларда ва мусиқий трактатларда Марказий Осиёдан олиб борилган кўплаб мусиқа асбоблари эслатиб ўтилган. Аммо буларнинг аксарияти Хитой тилида номланганлиги тўғрисида қайси бири Марказий Осиёдан борганлиги аниқ айтилмаган.

Хитойда биринчи минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиёдан борган ва шу ерда шуҳрат қозонган рақслардан яна бири Чжежчи-Шош номи билан аталган. Даставвал бу рақсни бир киши ижро этган, яъни якка ўйин ҳисобланган. Милодий V-VI асрларда эса 5



Хўжанд, Мирзачўл ва қисман Жиззах вилоятларида жойлашган ерлар). Бундан маълум бўладики, ўзбек халқининг турмуш тарзида рақс санъати муҳим ўрин тутган. Бугунги кунда ҳам.

**ТАНОВОР – СОФ МИЛЛИЙ РАҚС**  
Рақс биз учун нега керак? Рақс бу одамни ички дунёсини, ҳис-туйғуларини ташқарига чиқарадиган сирли бир

### ЎЗБЕК РАҚСИГА ҚАСИДА

Ўзбек миллий рақс санъати қадимдан шаклланиб, ривожланиб келган. Раққосанинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолат-

Хитойда биринчи минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиёдан борган ва шу ерда шуҳрат қозонган рақслардан яна бири Чжежчи-Шош номи билан аталган. Даставвал бу рақсни бир киши ижро этган, яъни якка ўйин ҳисобланган. Милодий V-VI асрларда эса 5 киши, кейинчалик 24 киши ижро этган. "Шош" рақси хитойликларни шунчалик ўзига мафтун этганки ўша даврда ёзилган мусиқа трактатларида бу рақсга жуда юқори баҳо берган. Чянь Янь ўзининг "Мусиқа китоби" номи асаридда "Хитойликлар чжежчи рақсини ижро этишида хуслар (хорижликлар) билан тенглаша олмайдилар", деб ёзган эди. Уша даврдаги Хитой шоирлари "Шош" рақсининг мафтунлиги бўлиб, унга бағишлаб 29 та шеър ва қасидалар ёзганлиги таъкидланади.

лари, юз имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратиш рақсининг асосий воситаларидир. Тарихий манбаларда ёзилган Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро ва Тошкент раққоса ҳамда раққосларнинг шуҳрати V асрдан бугун Шарққа ёйилганлиги ўзбек рақс усталарининг Шарқ халқлари рақсларидан таъсири билан бир вақтда уларга ҳам ўз таъсирини

киши, кейинчалик 24 киши ижро этган. "Шош" рақси хитойликларни шунчалик ўзига мафтун этганки ўша даврда ёзилган мусиқа трактатларида бу рақсга жуда юқори баҳо берган. Чянь Янь ўзининг "Мусиқа китоби" номи асаридда "Хитойликлар чжежчи рақсини ижро этишида хуслар (хорижликлар) билан тенглаша олмайдилар", деб ёзган эди. Уша даврдаги Хитой шоирлари "Шош" рақсининг мафтунлиги бўлиб, унга бағишлаб 29 та шеър ва қасида ёзганлиги таъкидланади.

Хитойда яшаб, ўша ернинг фуқароси бўлиб кетган бир қанча санъат усталари қайси халқ ва вилоятдан келган бўлсалар, ўша жойнинг номини ўз исми олдига қўшиб айтганлар, уларнинг авлодларига эса бу номлар фамилия бўлиб қолган. Бухородан келганлар Ан (Анго-Бухоро), Самарқандликлар Кан (Канго-Самарқанд), Шахрисабздан келганлар Ши (Шиго-Шахрисабз), Тошкент ҳам Ши деб берилади, аммо белгиси бошқачароқ Ми (Миго-Маймурғ) Самарқанд яқинидаги вилоят, Цао (Хозирги

илоҳий кучдир. Масалан оддий тўйларни олайлик, етмиш ёшли онахонларимиз ҳам тўйларда кўздан келганча ҳаракат қилиб рақс тушади. Ёки кечагина тепаюя қилиб юришни бошлаган бола ҳам кўлини кўтариб ҳаракатлар қилади. Агар боланинг бирор жойи оғриб турса йиги орқали дардини кўрсатади, хурсандчилигини эса фақат рақс, ўйин орқали намойиш этади. Рақснинг яна бир фойдали томони шундаки айрим касалликларни рақс орқали даволаш мумкин. Масалан ёшлардан нотўғри қадам ташлайдиганлар рақсга қатнашиб тўғри юрадиган бўлиб кетади.

**Зиёда Мадраҳимова:**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист  
- Шукри, айнан истиқлол санъатининг турли йўналишларига имконият ва шароит яратди. Жойларда кўплаб таълим масканлари, хусусий мактаблар фаолият кўрсата бошлади. Ютуқлар ўзимизники, масалага биҳам Ши деб берилади, аммо белгиси бошқачароқ Ми (Миго-Маймурғ) Самарқанд яқинидаги вилоят, Цао (Хозирги

Ўзбек рақсининг устун жиҳати – ўзбек аёлига хос ифбат, ҳаё, иб, кийиниш маданияти бор. Буни халқимиз ҳеч қачон унутмаслиги керак. Қолаверса, ўзбек рақсидаги ҳаракатлар араб, ҳинд, хулас, ҳеч бир халқнинг рақсида учрамайди. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув жараёнида ўзбек рақс санъатини турли хил таҳдидлардан сақлаш, асраб-авайлаш ва энг муҳими, келажак авлодга соф ҳолатда етказиш соҳа мутахассисларининг зиммасидаги улкан вазифадир. Сўхбатдошимиз таъкидлаганидек, бу борада улар ўртасида қўшимча ўқув курсларини ташкил этиши, маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш лозим. Зеро, ўзбек рақси бутун Шарқни ўзига ром этганлигини унутмаслигимиз керак.

### МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

#### "Юлдузлар қарвони"

Бухоро Давлат кўғирчоқ театрида Галина Алиева қаламига мансуб "Ўз уйимни излайман" асари режиссёр Лола Сувондиқова томонидан қайта сахналаштирилди. Ролларни Лола Сувондиқова, Нодира Раҳматова, Бахтиёр Ҳалимов ва Ойсулв Кенжаева ижро этган. Спектаклда чигит уруги ва мевали дархатлар орқали акс эттирилган инсон қадр – қиммати, ўзаро аҳил бўлиб яшаш каби гоёлар болажонлар қалбида илиқ таассурот қолдирди.

Шунингдек, театр жамоаси вилоятнинг Қоровулбозор, Жондор, Ромитан ҳамда Когон туманларида ёшлар иштирокида "Бир зум юлдузлар ёнида", "Юлдузлар қарвони" номли дастурларини намойиш этмоқда.

### Эл суйган санъаткорлар

#### концерт дастурлари намойиш этмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида аҳоли ўртасида эл суйган санъаткорлар иштирокида учрашувлар ҳамда концерт дастурлари намойиш этмоқда.

Республиканинг Қўнғирот, Эллиққалба, Кегейли, Беруний туманлари аҳолиси билан ўтказилган учрашувларда халқ артистлари Н.Ансатбаев, Т.Қайипназарова, Б.Мурадов, П.Мадраимова, Г.Айимбетова ҳамда Қора-

қалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар С.Шиниқулова, Д.Хожамбергенов, Б.Есемуратов ўзларининг куй-қўшиқлари билан тadbбирга ўзгача фойз киритди.

Шунингдек, маданий тadbбирларда эл суйган санъаткорлар билан бирга "Мийрас" миллий эстрада халқ ансамбли, "Ёғду" ашула рақс ансамбли иштирокидаги концерт дастурлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ҳусан БУРҲОНОВ

VATAN TUG'USI HAR NARSADAN USTUN

**MILLY TIKLANISH**

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ"  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:  
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»  
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Бош муҳаррир:  
Жалолиддин САФОЕВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолиб-шер ЗИЯЕВ, Суван НАЖБИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи-назаридан фарқланishi мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темуру кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади.  
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г-923, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)  
234-87-74, 234-87-73,  
234-86-41 ФАКС: (8-371)  
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-2

**ЎТИТ**

Ўзлигида янги нарсга топганлар қуллий ақлдир.  
\* \* \*

Ақл ва қалбсиз инсон туйғуларининг ҳеч бири ҳаракатга келмасди.  
\* \* \*

Ишқни ишқдан бошқа нарсга сўндиролмас.  
Жалолиддин РҲМЙ

**БИЛАСИЗМИ?**

Дўзах вампири дея номланувчи саккизоёқнинг кўзлари (2,5 см.) ниҳоятда каттадир. Бундай кўзни унинг танаси (28 см.) кўтара олар, аммо одамзот нақд теннис копкчасидек келувчи бундай кўзни ўзига асло раво кўрмаса керак.  
\* \* \*

Дунёнинг улкан уяли телефони Германиянинг Байрейт шаҳрида ўрнатилган. Мазкур телефон ёғоч, полиэстер ва металл ашёлардан тайёрланган бўлиб, унинг ўлчамлари 2,05x0,83x0,45 метр.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Мўъжизавий кўл**

Мисрлик ҳамда франциялик археологлар қадимги Танис шаҳри худудидан мўъжизавий кўлни топган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўлнинг узунлиги 15 метр, кенлиги 12 метр бўлиб, у мисрлик авлиё Мут шарафига қурилган ибодатхона худудидан топилган. Тарихчиларнинг айтишларича, кўл қадимда илоҳий деб саналган экан. Қадимги Миср тарихи бўйича бош котиб Захи Хаваснинг фикрига қараганда, аслида бу ибодатхонадан топилган иккинчи кўл ҳисобланаркан, аввалгиси 1928 йилда аниқланган.

**LG ва Samsungдан янгилик**

Кореялик Samsung Electronics компанияси ҳамда LG Electronics айри ҳолда, бир-бирларига қўш нуридан озиқландиган уяли мобиль телефонни ишлаб чиқарди.

Samsung Blue Earth деб номланган сенсорли экранли уяли мобиль телефон аввалига Швецияда сотувга чиқарилиши ҳамда у 300 АҚШ доллар қийматида баҳолашни кўзда тутилмоқда. LG GD510 Pop эса худди шу нархда аввал Европа бозорларида сотиларкан. Samsung Blue Earthнинг бир соат кўш нуридан олган энергияси 10 дақиқа телефон орқали гаплашишга етаркан. LG компанияси ходимларининг таъкидлашича, LG GD510 Порнинг олган энергияси ҳам 13 дақиқа сўзлашишга етади. Бу иккала модел махсус дастур билан бойитилган бўлиб, у атроф-муҳитнинг қанчалик ифлосланганини ҳам аниқлаб бера оларкан.

**Дунё бўйлаб... саёҳат**

Австралиялик 16 ёшли ўқувчи Жессика Уотсон ўтган шабна кuni бир ўзи дунё бўйлаб саёҳатга отланди, дейилади ОАВ хабарларида.

Жессика Уотсон пушти рангли яхтада саккиз ой мобайнида Жанубий ярим шарни — аввалига Янги Зеландия, Жанубий Америка кейин Атлантика орқали Австралияни айланиб чиқади. Мутахассислар Жессика балким Гиннес рекордлар китобидан ўрин олишга муваффақ бўлар, дейишмоқда. Аммо, ҳозирча британиялик 17 ёшли Майк Перэм энг ёш саёҳатчи рекорд даражасини эгаллаб турибди.

**Махфий заҳира**

Норвегия ҳукумати ер юзидаги барча ўсимлик уруғларини сақловчи заҳирани янги ва илм-фанга номаълум бўлган ўсимликлар билан бойитмоқда.

Айни пайтда махфий заҳирадаги ўсимликлар уруғи тури 24 мингдан орди. Олимларнинг таъкидлашича мўъжизалик 10 фоизи деярли бажарилган. Бу заҳира "Нух кема-си" номини олган бўлиб, у кўринишидан тоғдаги гор шаклини эслатади. Махфий заҳира автоном тартибда бўлиб, махсус тизим асосида ишлайди. Унинг мунтазам ички ҳарорати -10Сдан -20С гача. Дарҳақиқат, агар бирор бир сабабга кўра, заҳиранинг кўриқлаш тизимида бузилиш рўй берса, бундай ҳолатда ҳам унинг ички ҳарорати мунтазам -4 Сни ташкил қилиб, кўп миқдордаги уруғликни сақлаб қолар экан.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)  
234-87-74, 234-87-73,  
234-86-41 ФАКС: (8-371)  
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Акбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Исмаи ХУДОЕВ  
Навбатчи:  
Ақобир САИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй  
Босишга топшириш вақти— 21.00.  
Топширилди— 18.30.

1 2 3 5